

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ

РАҲМАТИЛЛА НОСИРОВ

“Устоз - шогирд”

ВОКАЛ

Вокал фанидан ўқув-методик қўлланма
(Эркаклар овози учун)

Тошкент - 2010

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (27/04/2009 № 8)

Вокал фанидан яратилган ушбу ўқув-методик қўлланма ўзбек вокал йўналишларининг академик (академик-миллий услуг) ва анъанавий (халқ ижоди ва мумтоз мусиқа) услугига доир материалларни тасниф ва талқин этишга қаратилган.

Ўқув-методик қўлланмага XX асрнинг машҳур вокал ижрочилари Мухиддин қори Ёқубов, Бобораҳим Мирзаев, Саттор Ярашев, Карим Зокиров, Эргаш Йўлдошев каби академик хонандалар ва Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Шораҳим Шоумаров, Юнус Ражабий, Ориф Алимаҳсумов, Карим Мўминов, Асқар Убайдуллаев, Орифхон Ҳотамов, Умар Отаев, Фахриддин Умаров, Неъматжон Қулабдуллаев, Тожиддин Муродов, Толибжон Бадинов, Муроджон Аҳмедов, Камолиддин Раҳимов, Жўрабек Набиев, Рустам қори Турсунов каби хонандалар асарларидан намуналар жамланган.

Ушбу ўқув-методик қўлланма маданият ва санъат олий ўқув юртларининг бакалавр талабаларини вокал спецификаси, методикаси, амалиёти ва адабий манбалари билан таништиришга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Қодир МИРЗАЕВ – Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти “Вокал жамоаларига раҳбарлик, мусиқа тарихи ва назарияси” кафедраси мудири, профессор

Тақризчилар:

Матназар ХУДОЙНАЗАРОВ – Ўзбекистон Давлат консерваторияси “Анъанавий ижрочилик” кафедраси профессори

Узок ЖЎРАҚУЛОВ – Ўзбекистон Миллий университети доценти, филология фанлари номзоди

*Ўзбекистон маданият ва
аҳборот министри
2009 йили 28 нафода 121-буюрӯзиги
асосан ўзув-меморији таъсиси
сигаралоға нашрға тавсия
делемизде.*

*Марказ деяркоти
21.12.2009 ч*



“Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхии намуналарини кенг тарғиб қилиши ва оммалаштириши ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашининг асоси бўлмоғи лозим.”

Ислом Каримов

КИРИШ

Вокал сўзининг лугавий маъноси бизда қадимдан мавжуд бўлган айтимга тўғри келади. Шунга кўра, вокал истилоҳи тарихий-ижтимоий, маданий-маърифий жараёнларнинг ажралмас бир бўллаги сифатида қадим замонлардан бери яшаб келяпти. Ўзбек халқи маданий ҳаётига XIX асрнинг иккинчи ярмидан кириб келиб, санъат жанрини ифодалай бошлаган вокал тушунчаси Европада узоқ тарихга эга бўлиб, унинг генезиси антик давр диний маросимлари ижро жараённига бориб боғланади. Антик юонон маданияти тарихи шунга гувоҳлик берадики, юононларнинг эътиқодий маросимлари, тоат-ибодатлари асосан сўз, мусиқа ва муайян ритмлар системасини ўзида мужассам этган. Яратганга қилинган ибодатлар, дуо-ильтижолар мана шу тарзда ижро этилсагина ижобат бўлади, деган ақида буғунги вокал санъатининг дастлабки намуналарини юзага келтирган. Қадим юононда айни тарздаги ижро – дифирамблар деб аталган. Худди шундай жараёнга доир фикрларни биз қадим Шумер, Хитой, Ҳинд, Миср маданиятига доир тадқиқотларда ҳам кузатамиз.¹

Милодий биринчи асрдан бошлаб Европанинг маданият марказларидан бири бўлган Италияда илк бор масиҳийлик эътиқоди, шу асосда масиҳийлик черковлари ва диний маросимлар тизими пайдо бўлди. Ушбу тизимда ҳам, асосан, сўз ритм уйғунлигига ижро этилгандагина диний маросим тўлақонли амалга ошади, деган анъана давом эттирилди. Диний маросимлардаги ибодат шакллари масиҳийликнинг мазҳаби ва муайян ҳудудига қараб гоҳ мусиқа жўрлигига, гоҳида эса мусиқасиз (a' capella) ижро этилган. Энг муҳими, ибодат маросимлари қай тарзда ижро этилишидан қатъи назар сўз ритм билан уйғунлашиб келганки, бу кейинчалик биз буғун вокал деб номлаётган жанрга пойдевор вазифасини бажарган.

Вокал тарихига доир назарий адабиётларнинг гувоҳлик беришича, Европа вокали маркази ва тарихий жиҳатдан энг қадимийси Италия ҳисобланади. Бу далил эса вокал санъатининг асоси диний маросимлар экани ҳақидаги юқоридаги фикрларимизни асослаши билан бир қаторда, замонавий вокал санъатининг ўчоги нима учун Италия бўлгани тўғрисидаги саволларга ҳам жавоб беради.

Шунинг учун ҳам, замонавий вокал тарихини умумий тасниф этганимизда рўйхатнинг бошини Италия вокал мактаби эгаллайди. Европа вокал санъатининг шаклланиши ва тараққиётида қадим итальян вокал

¹ Каранг: Мифы народов мира. -М.:Советская Энциклопедия, I том,1987;

И.М. Тронский. История античной литературы. -М.:Высшая школа,1983.

мактаби асосчилари Пьетро Този, Жиамбаттиста Манчини, Жозефо Царлино, Людовико Цаккони, Жулио Каччини (XVI-XVII асрлар) ларнинг хизматлари катта. Кейинчалик француз вокал мактабидан Жан-Баптист Берар, Генрих-Фердинанд Манштейн, немис вокал мактабидан Лилли Леман, рус вокал мактабидан М.И.Глинка, А.Е.Варламовларнинг салмоқли фаолиятларини қайд этиш лозим.² Шуни алоҳида қайд қилиш жоизки, профессионал вокал тарихида вокал санъати амалиётчилари билан бир қаторда назариётчи олимлар ҳам фаолият кўрсатиб келишган. Лекин бу ўринда вокал назариётчилари билан амалиётчи вокалистлар ўртасига хитой девори кўйиб бўлмаслигини таъкидлаш лозим. Чунки вокал санъати тарихида вокал назарияси ва амалиётини уйғун ҳолатда олиб борган шахслар ҳам талайгина. Бунга мисол сифатида Мануэль Гарсиа, М.И. Глинка, Ф.И. Шаляпинларни келтириш мумкин.

Юқорида қисқача экскурс қилинган Европа вокали ўзбек санъати тарихига Туркистонни Чор Россияси томонидан ишғол этилганидан кейин кириб келган³ Аммо бу дегани ўзбек вокали том маънода Европа вокал санъатининг таъсирида шаклланди дегани эмас. Балки ўзбек вокал санъати тарихи ҳам туркий халқлар маданиятининг узоқ тарихига бориб тақалади. Маълум маънода вокал санъатининг дин ва жамият эътиқоди билан боғлиқлиги ўзбек вокал тарихи жараёнларига ҳам тегишли. Хусусан мақом тизимининг бевосита тасаввуф фалсафасидан келиб чиқиши машҳур мутасавифлар – Абу Ҳомид Ғаззолий, Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Боқирғоний, Машраблар илмий-амалий фаолиятида ўз аксини топади. Мақом эса сўфийнинг Аллоҳ томон интилиш йўлидаги қалб ва зикр маромини ўзида акс эттиради. Демак, вокал санъати бир қадар мураккаброқ ва тизимлироқ тарзда шарқ халқлари тарихида ҳам мавжуд бўлган. Айни жараёнлар амалий манбалар асосида Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абдулқодир Марофий, Дарвеш Али Чангий, Комил Хоразмий, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлонийлар томонидан назарий ўрганилган ва тарғиб этилган. Фақат шўро даврига келиб, Европа вокал санъатини ўзбек айтим йўлларига сингдириш ва кўп ҳолларда ўзбек хонандаларига Европа вокал йўлларини тўғридан-тўғри ижро эттириш урфга кирди. Мухиддин қори Ёқубов, Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокиров сингари хонандалар шўро санъат сиёсатининг оқибати ўлароқ том маънода Европа услубидаги вокал ижрочилари ҳисобланишади. Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Саттор Ярашев, Эргаш Йўлдошев, Абдулла Бозоров, Муяссар Раззоқова, Исмоил Жалиловлар ижрочилик фаолиятида эса ҳам Европа, ҳам миллий вокал санъати уйғунлашганини кузатамиз. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган вокал ижрочилиги жараёнлари ва йўналишларини тахминан қўйидаги схемада кўрсатишимиш мумкин. Шу ўринда ушбу жадвал ҳали узоқ таҳлил ва изланишлар, етук мутахассислар маслаҳатига муҳтоҷ эканини ҳам қайд этишимиз лозим.

(жадвал)

² Каранг: И. К. Назаренко. Искусство пения. -М.:Музыка,1968.

³ Каранг: История вокального и хорового исполнительства в Узбекистане. -Т.:Изательство литерат ??? 9-10 бетлар.

Мазкур ўқув-методик қўлланмада ўзбек вокал ижрочилиги материаллари муайян тизимга солинган. Ўқув-методик қўлланмага XX асрнинг сара вокал ижрочилари асарларидан намуналар жамланган. Айтиш мумкинки, вокал ижросига доир манбаларнинг XX аср бошидан бугунги кунимизга қадар мавжуд бўлган намуналари қамраб олинган. Бунда биз асосан ўзбек вокал йўналишларининг академик (академик-миллий услуг) ва анъанавий (халқ ижоди ва мумтоз мусиқа) услугига доир материалларни тасниф ва талқин этдик.

Ўқув-методик қўлланманинг янгилиги шундаки, бунда талабалар нафас олиш, нафас чиқариш, унли ва ундош товушлар талаффузи сингари назарий тушунчаларни бевосита жонли ижрони тинглаш ва таҳлил этиш жараёнида ўзлаштиришлари кўзда тутилган. Чунки, ўқув-методик қўлланма CD (MP3) электрон аудио варианти билан бир бутун методик тизим сифатида ишлаб чиқилган. Шунингдек, ўқув-методик қўлланмада вокал намуналарининг бадиий ва мазмун жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ижро этилган матнлар шарҳланган, тушунарсиз сўзлар луғатлари берилган, матнларнинг асл манбалари кўрсатилган. Ижрочиларнинг фотосуратлари, уларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида мукаммал маълумот олиш учун ишончли манбалар тавсия қилинган. Шеърлар муаллифлари хусусида аниқ маълумот олиш учун уларнинг ўз асарлари ва ижодига доир тадқиқотларнинг рўйхати, китобларнинг фото нусхаси келтирилган.

Ўқув-методик қўлланма сўнггида вокал тарихи, назарияси, методикаси бирбутун қамраб олинган, саволлар, қўшимча топшириқлар, тест саволлари ва мустақил иш мавзулари берилган.

Ушбу ўқув-методик қўлланма маданият ва санъат олий ўқув юртларининг бакалавр талабаларини вокал спецификаси, методикаси, амалиёти ва адабий манбалари билан таништиришга мўлжалланган.

Аннотация

Вокал фанидан яратилган ушбу ўқув-методик қўлланма ўзбек вокал йўналишларининг академик (академик-миллий услугуб) ва анъанавий (халқ ижоди ва мумтоз мусиқа) услугуга доир материалларни тасниф ва талқин этишга қаратилган.

Ушбу ўқув-методик қўлланмага XX асрнинг машҳур вокал ижрочилари Муҳиддин қори Ёқубов, Бобораҳим Мирзаев, Саттор Ярашев, Карим Зокиров, Эргаш Йўлдошев каби академик хонандалар ва Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Шораҳим Шоумаров, Юнус Ражабий, Ориф Алимаҳсумов, Карим Мўминов, Асқар Убайдуллаев, Орифхон Хотамов, Умар Отаев, Фахриддин Умаров, Неъматжон Қулабдуллаев, Тожиддин Муродов, Толибжон Бадинов, Муроджон Аҳмедов, Камолиддин Раҳимов, Жўрабек Набиев, Рустам қори Турсунов каби анъанавий хонандалар асарларидан намуналар жамланган.

Ушбу ўқув-методик қўлланма маданият ва санъат олий ўқув юртларининг бакалавр талабаларини вокал спецификаси, методикаси, амалиёти ва адабий манбалари билан таништиришга мўлжалланган.

Вокал фани асосий соҳалардан бири бўлиб, ушбу фан вокал ансамбли, хор партитурасини ўқиши, эстрада ижросига мослаштириши, эстрада санъати, дирижорлик ва хор солфеджиоси фанлари билан **боғлиқ**. Вокал фанининг асосий **мақсади** бўлажак вокал жамоларига раҳбарнинг касбий маҳоратини ошириш, нафас олиш, диксия, сўз танлаш, қўшиқни юксак савияда ижро қилиш малакасини ҳосил қилишни иборат. Фанинг асосий **вазифаси** ёш мутахассисларга келажакда ҳаваскорлар билан ишлаш ёлларини ўргатиш, вокал ижрочилиги ютуқларини амалда татбиқ қилиш каби ишлардан иборат. Ушбу фанни ўқитишида иккита асосий йўналиш яъни **академик ва анъанавий** ижрочилиги биргаликда қўшиб олиб боришдан иборат. Фитрат ўзининг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобида ёзишича “Бизнинг адабиётимизда бўлгани каби мусиқамиизда ҳам икки оқим бордир. Адабиётимизда аruz вазнида шеър ёзмоқ билан арузсиз, яни ўзимизнинг бармоқ вазнида шеър ёзмоқ йўли бор. Аruz вазни эрон-араф таъсири остида илм олган шоирларимиз орасида ишлатилса, бармоқ вазни эл шойирлари орасида ишлатилгандир. Мусиқа ҳам ҳудди шунга ўхшаб юрадир. Мусиқамиизда усул вазнида боғланган куйлар бўлгани каби, усулсиз боғланган куйлар ҳам бор. Усулсиз куйлар эл томонидан яъни эл чоғучилари, ашулачилари томонидан яратилгандир. Уларнинг усулсизлиги бармоқ вазнидаги шеърларнинг “арузсизлиги” кабидир.”

Вокал санъатида овознинг тузи, жарангдорлиги, кучи, қўлами, ширадорлиги, уни ишлатиш имконлари ва табиати хилма-хил бўлади. Академик хонандаликда овозлар аниқ номларга эга. Ўзбек миллий ашулачилигига эса мавҳумлигича қолмоқда. Оқибатда анъанавий йўналишдаги устоз-шогирдлик мактабларининг ютуқлари кишиларнинг хотирасидан ўчиб бормоқда. Фаттоҳон Мамадалиев “**Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари**” рисоласида овозларни бир неча тоифаларга ажратади:

- 1) Нор овоз,
- 2) Тик овоз (жарангдор овоз),
- 3) Жарангдор куврак овоз,
- 4) Куюк тик овоз (жарангсиз овоз),
- 5) Бўзак овоз (мода овоз),
- 6) Панг овоз,
- 7) Ишками овоз.

Ўзбекистон ҳалқ артисти Ўлмас Расулов ўзининг “**Анъанавий хонандалик ўқитиши методикаси**” ўқув қўлланмасида овозларнинг турларини куйидагича таърифлайди:

1) **Томоғ овоз (гуллиги).** Бу овоз бойламларини зўриқтириш, ҳалқумни сикиш, тилчакни юқори танглайга қаттиқ ёпиштириш оқибатида ҳосил қилинади. Ўз навбатида нафас ҳалқумдан сикиб чиқарилади. Нафас харакатида ровонлик эркинлик йўқолади.

2) **Кўкрак овоз (синаги).** Куйлаш жараёнида кўкрак қафаси мушакларига кўп куч берилади. Хонандада кўкрак қафасининг доимий қўтарилиб кузатилади. Бу эса овозни тез толиктиради. Бундай ижрода диафрагма кам ҳаракат қиласи.

3) **Қорин овоз (шиками ёки ишками).** Устозларнинг нафасни ўпка ёрдамида қовурға

билан олиш керак деганларини кўп эшитганмиз. Бу жараёнда ўпканинг пастки қисми хаво билан тўлдирилади. Оқибатда пастки қовурғалар кенгайиб диафрагманинг фаол ва тўлиқ ҳаракатига имкон яратилади. Қорин бўшлиғи мушаклари ҳаракатга келади. Овознинг бундай садолантирилиши унинг табиий хусусиятларини ёрқинроқ намоён этади. Болаларда қорин овози деярли учрамайди. Талабада қорин овозининг шаклланиши тўғри ва равон нафасни таъминлаш билан бирга куйлашда жуда кўп қулайликлар яратади.

Вокал санъатидаги академик ва анъанавий йўналишлар.

Вокал санъати анъаналари бизда теран илдизга эга. Ўша 30 ва 40-йилларда ёк ўзбек қўшиқчилигини жаҳонга танитган ижрочиларимиз бор эди. Ундан кейинги ўн йилликларда ҳам бу борада кўз-кўз қилишга арзийдиган ютуқларимиз бўлган. Сўнгги йилларга келиб, вокал санъатимизда ютуқлар билан бирга кўнгилсиз ҳолатлар ҳам тобора кўпроқ кўзга ташланяпти. Ҳозирги кун вокалистидан ҳалқ нимани кутади? Уларнинг тарбияси ва изланишларидаги йўналишлар талаблар даражасидами?

Халима Носирова. – Тақдир менга олтмиш йил давомида куйлаш баҳтини ато қилди. Ҳаётда қўшиқнинг тутган ўрнини, аҳамиятини баҳолаш қийин. Негаки, қўшиқсиз турмушнинг ўзини тасаввур қилиб бўлмайди, уни хаётга ҳамқадам, деб бежиз айтишмаган.

Ўзбек миллий операси затолар, қийинчиликлар, йўқотишлар, зиддиятлар натижаси ўлароқ 20-йиллар охирларида ҳалқ вокалчилиги заминида майдонга келди. Унинг тўғри йўлдан ривожланганлигини кейинчалик тарихнинг ўзи ҳам тасдиқлади. Бу соҳада Успенский, Миронов, Мушел, Козловский, Хилкевич, Қориёқубовга ўхшаш йирик музика арబлари озмунча тер тўкишмади, фидойилик қилишмади. Нота саводини ўзлаштириш нечоғли қийин кечганлигини биргина “Бўрон” операси мисолида эслашнинг ўзи кифоя қиласи.

Тўғри, дастлаб Мухтор Ашрафий Ғарбий Европа опера услубини сақлаш учун арияларни ҳалқ вокализмидан атайлаб узоклаштириди. Аммо бу ўткинчи бир ҳол эди. Негаки, жаҳон опера классикасида “Иван Сусасин” сингари ҳалқ қўшиқлари асосида яратилган этalon асарлар мавжуд эди. Бу тажриба кейинги йилларда ўзбек опера асарларини яратишда яна асқотди: Толибжон Содиков “Лайли ва Мажнун” музикали драмасини миллий услубдаги операга айлантириди. Мухиддин Қориёқубов ўзбек опера ижрочилигига асос солган бўлса, Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов каби санъаткорларимиз бу йўлни муваффакиятли давом эттиришди.

Хўш, нега бугунги кунга келиб ўзбек вокал ижрочилиги, жумладан, операмиз қоматини ростлай олмай қолди? Ҳамма қусур шундаки,

композиторларимиз ҳам, қўшиқчиларимиз ҳам халқ санъатини менсимай қўйиши, ундан кейин бу соҳада кўпроқ Европа ижрочилик техникасига эргашиш, тақлид тенденсияси кузатилмокда. Ҳолбуки, бизда миллий операмизнинг Алексей Козловский яратган “Тановар” типидаги қойилмақом намуналари бор. Қани эди композиторларимиз ана шундай халқчил опералар яратадар? Бу – масаланинг бир томони, холос. Кейин, негадир, республикамизда операга маҳсус товушликишларни жалб қилиш истаги йўқ.

Ўзбек операсини яратишнинг дастлабки пайтларида тортишув асосан музика устида бўлар, лекин асосий масала, опера санъатини ўзбек халқига тезроқ Етказиш ҳақида борар эди. Ўша даврда Миронов, Успенский, Козловскийлар миллий музикага муҳаббат билан қарашди. Миллий музикадан нималарни дир излашарди. Улар бизнинг миллий музикадаги қочирим, нолани сақлашга интилишди. Пианинони шунга мослашди ҳам.

Мен доимо ўзбек операси халқка яқин бўлиши учун интилдим. Композиторлардан Толибjon Содиков ҳам шунга интилган эди. У кимга атаб ёса, ўшанга олиб бориб кўсатарди. Толибjon Содиков “Лайли ва Мажнун” ни речитатив опера қилди. Собир Бобоев ҳам “Хамза” операсини ўзбек миллий услубида яратди.

Умуман, қўшиқ айтишда ҳадеб қочирим қилса, овзни ёпиб қўяди. Қочирим ҳиргойида болади. Ўзбек миллий қўшиқчилик санъатида ҳам овоз, постановкаси бор. Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов 60-70 ёшгача ашула айтишди. Улар ҳам ўз овоз постановкасига эга эдилар.

Мен ўзбек миллий музикасига хиёнат қилмадим. Бирорта ашулада қочирим қилиш учун овозни йўқотиш керак эмас. “Фарҳод ва Ширин” да бир қочирим ишлатдим. Успенскийга маъқул бўлди. У ўзича қайта ишлади, натижада ишимиз муваффақиятли чиқди.

Толибjon Содиков “Сегоҳ” ни нотага солди. Тўтасин Жалилов шу йўлда ашула ёзи. “Жоним Москва ” ашуласи ана шу йўлда айтилди. Карим Зокиров, Бобораҳим Мирзаевлар ҳам Европа музика йўлларидан ўрганишди, аммо мустақил ўткир хонандалар бўлиб Етишишди. Василенко “Баёт”ни ишлаганда, сизларга маъқулми, деб сўрар эди.

Булар – ҳозирги санъат учун ибратли мактаб бўлиб қолиши лозим.

Саодат Қобулова: - Консерватория опера кадрлари этиштириб берадиган даргоҳ. Кечагидай эсимда: 40-йиллар охирида Усмон Юсупов 53 нафар вокалист танлаб, Москвага ўқишига уборди. Шуниси қувончли бўлдики, ҳаммамиз ҳам ўзимизга хос овозимизни сақлаб қолдик. эл оғзига ёмон отли бўлганимиз йўқ. Москва таълими бизга фундаментал бўлди. Бизнинг тенгдошлар вокал санъатимизни халқقا манзур қила олдилар, деб ўйлайман.

Улуғ рус танқидчиси айтганидек, Қуёш Ерга нур сочади, лекин унга кучини бағишиламайди, балки Ернинг ўз бағридаги мавжуд кучни уйғотади. Вокал санъатида ҳам шундай. Илғор халқларнинг вокал санъати ўзбек вокал ижрочилигининг ўз табиатидаги имкониятлар, ўзига хосликларни уйғотиб, барқ уриб ривож топишига қўмаклашди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак.

Содир Воҳидов: - Кўп овозли тузилишдаги Европа профессионал (академик) ва ўзбек халқ ашулачилик “(анъанавий)” йўлларини уйғунлаштириш усулинни излаш Қори Ёқубов каби ашулачилар ижодида бошланди. Лекин улар ҳам хали икки ҳил ашулачилик йўлини уйғунлаштиришга тўла эришмаган эди. Акс ҳолда бу изланиш 50-йилларга келиб жадал тус олмасди. Шаҳодат Раҳимова, Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов, Асад Азимов, Саодат Қобуловалар катта опера санъатига кириб келишди. Булар опера ашулачилиги соҳасидаги ижодларида ўзбек халқ ва кўп овозли тузилишга эга Европа профессионал музикасидаги йўлларни уйғунлаштиришда сезиларли муваффақиятга эришдилар. Уйғунлаштириш усулларини ҳам топган бўлишлари мумкин. Лекин, афсуски, бу усуллар назарий жиҳатдан атрофлича ўрганилмади, хulosалар бирор қўлланма ёки дарсликларда акс эттирилмади.

Вокал ёки музика саҳна асарининг миллий руҳда садоланиши фақат унинг нотага тушиши ва ашулачи томонидан тўғри садолантирилишигагина боғлиқ эмас, аввало унинг оҳанг тузилишига боғлиқ. Оҳанг тузилиши эса оғзаки натқдан олинади. Ҳар бир миллатнинг оғзаки нутқ оҳангни миллий музикаси асосини ташкил этади. Оғзаки нутққа оғзаки гап, назм, насрда ёзилган асарларни ўқиш, поэтик асарни декламация қилиш, монолог, диалоглар ижросидаги ҳамда минбарда нутқ сўзлашдаги нотиқона оҳанглар киради.

Оғзаки нутқ оҳангини бундай қудратли ифода воситасига айлантириш учун миллий тилни, ундаги шеваларни чуқур ҳиссиёт билан англаш, миллий адабий мерос билан бирга, замонавий адабиётни чуқур билиш, унинг янги янги намуналаридан хабардор бўлиш лозим. Афсуски, бизнинг композитор ва ашулачи санъаткорларимиздан қўпчилиги мерос ва ҳозирги замон ўзбек адабиёти намуналаридан кам хабардорлар. Ўзбек тилидаги шеваларга умуман эътибор берилмайди. Натижада ёзган асарлари фақат ўзлари билган қўшиқ ёки бадиий идрок этилмаган оғзаки нутқ оҳангларининг бирикмасидан иборат бўлиб, жозибасиз, зерикарли садоланади.

Томошабиннинг эстетик савияси музика тарбиясига боғлиқ. Ҳозирги кун ўзбек музика тарбияси эса тубдан яхшиланишга муҳтож.

АНЪАНАВИЙ ХОНАНДАЛИК

УШШОҚ

Алишер Навоий газали

*Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов
ижросида*

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингға бағир қонидин ҳино боғла,
Итингға ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб, яна ул тоғда кўҳкан қилғил.

Юзунг висолиға етсун десанг күнгулларни,
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас мониъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни күрүб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Навоий анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Аннинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

1. Мардум – халқ, одамлик, күз жавхари.
2. Равза – боғ, жаннат, авлиёлар қабри
3. Таковор – Чопқир от.
4. Расан – арқон, аргамчи
5. Күхкан – Төғ қазувчи.
6. Шикан – Синиқлиқ, букиклиқ, жингалаклик, синдирувчи.
7. Чин – 1) Бу , соч;
2) Рост; 3) Терувчи; 4) Хитой.

Шарх: Қаро күзум...

Эй қаро күзим, кел энди одамийликни одат қилгин. Күзим қаросини жавхар мисол ўзингга ватан айла. Гул юзингни қонталаш күнгил сағанаси билан беза, гулшанга айлантири. Ниҳол қаддинг жон гулшанида сайри чаман этсин. Учқур отинг туёқларига күнгил қонидан хино қўйигин, зора у хино қуришини кутиб секинроқ юрса. Итингни эса ғамдан чувалашган жон риштаси билан боғлаб қўй. Фироқ тоғи емрилиб бир оз тупроқ пайдо бўлган эса, эй чарх, ўша тупроқдан лой қориб, ундан тошйўнар яса. Кўнгиллар юзинг висолига етиб борсин десанг, сочингни шундай жингалак қилки, у хаста диллар учун нарвон бўлсин. Боғ эгаси(боғбон) муқаррар келаётган хазон қўшини(куз)ни тикандан девор ясад қайтара олмаганидек, одам боласида ўлим ҳақиқати олдида ожиздир. Ёр юзида висол ҳаяжонидан кўпчиган терни кўриб ўлиб қоладиган бўлсам, эй биродарим, мени гул суви билан ювгин-у кафанимни гул баргидан қилгин. Эй Навоий, жон аро шавқ анжуманин тузадиган бўлсанг, ёр отган пайконни юрагингга қада, ундан даврани ёритувчи шам ўрнида фойдалан.

БАЁТ I

Фузулий газали

Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландин сўр.

Лабинг сиррин гелуб гуфтора бандин ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландин сўр.

Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то сахар бедор ўландан сўр.

Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жабрин чекканлардин,
Хабарсиз мастрлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

*Мулла Тўйчи Тошимуҳамедов
ижросида*



Ғамингдин шамътек ёндим, сабодан сўрма аҳволин,
Бу аҳволи шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан сўр.

Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим,
Харобат аҳлининг аҳволини хумор ўландан сўр.

Мұхаббат лаззатидин бехабардур зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

Шарҳ: Шифойи васл қадрин...

Ҳижрон дардида бемор бўлган Ҳақ ошигининг қадрини, бундай дард билан оғриганлардан сўра. Дийдор ташналигини бошдан ўтказганларгина у покиза зилолнинг асл завқу шавқини ҳис қила оладилар. Илоҳий лаззат синоатини мендан бошқадан сўраб овора бўлма. Чунки бу ҳикматлар асрорини сирлар соҳибигина билади. Ишқ йўлида кўзлари ёшли, кўнгли маҳзунлар ҳолини ғофил оламон қайдан ҳам билсин. Илло, юлдузлар сайрини оқшомдан тонгга қадар уйқусиз ўтирган ошиқдан (зикр қилувчидан) ўзга ким ҳам билар эди. Ошиқ жабру жафо чекар экан, дунё матоҳи билан маст кимсалар унга янада кўпроқ зулм қиласидилар. Бундай жабру зулм азобини унинг ўзигина билади. Ё парвардигор, висолинг ҳажридан шамдек ёниб битяпман. Лекин бу маҳзун ҳолимни билганларнинг барчаси гувоҳ. Хароб ҳолимни фақат харобот аҳли билади. Ишқ майидан сархуш бўлмаганлар ишқ жоми нима эканини тасаввур ҳам қила олмайдилар. Мұхаббат лаззатини зоҳид қаёқдан билсин. Эй Фузулий, ишқ хақида унинг завқини билганлардан сўра.

*!Шашмақом З том 131 бетдан Фото қўйилади!
Мақомот 92 бетдан Фото қўйилади!*

ҚИЛА БОШЛАДИНГ МЕНГА...

Фазлий газали

Шораҳим Шоумаров
ижросида

Қила бошладинг менга зулмиким, ситам этди жабру жафоларинг
Ки, вафога ваъдалар айлабон, қани ваъдаларга вафоларинг.

Бу хуноб уза хати мушкисо, лаби лаъли нуқтаи жонфизо,
Кўзи, қоши, хат, дили хушадо, мени ўртади шу балоларинг.

Буки ҳусн мулкининг шоҳисен, эшит ошиқ аҳлининг додини
Ки, фироқ сийнаси чокини сенга арз этар фуқароларинг.

Дили жони Фазлий нотавон, сенга мунтазир кўзи нигорон,
Ҳамадин қўнгулда муҳаббатинг, туну кун тилимда дуоларинг.

Лугат:

- 1.Хуноб – қонли кўз ёши.
- 2.Мушкисо – мушкмонанд.
- 3.Жонфизо – жон олгувчи.
- 4.Хат - маъшуқа юзидаги майин туклар.



Шарҳ: Қила бошладинг менга...

Жабру жафоларинг ситами ҳаддан ошди, менга зулм қилиш шиорингга айланди. Доим ваъда берасан-у, вафодан дарак йўқ. Ошиққа бундан ортиқ зулм бўлиши мумкинми? Кўзимдан оқаётган қонли ёшлар мушк таратувчи хатларинг дардидан бўлса, лаъли лабларинг нуқтаси жонимга бало бўлди. Кўзинг, қошинг ва хуш қўнглинг эса бало устига балолар ёғдиради. Сен ҳусн мулкининг шоҳисан. Шоҳ бўлгач, ишқ ахли додини ҳам эшит-да. Зеро, фуқароларинг фироқдан бағри чок бўлганини сенга арз этмай кимга арз этсин? Қалби ва жони абгор, кўзлари йўлингда ногирон Фазлий қўнглида сенинг муҳаббатингдан ўзга ҳеч нарса йўқ. Унинг иши туну кун сенинг дуойи жонингни қилишдир.

Гиря 2


Пирим Қори мухаммаси

*Шораҳим Шоумаров
ижросида*

Доим сани ғаминг билан ҳолим харобдур,
Топмай висолинг, эй санам, қоним шаробдур,
Ҳажринг ўтида ўртаниб бағрим кабобдур,
Рахм этмасанг бу жонима қаттиқ азобдур,
Қилғил назора ҳолима мендин хитобдур.

Гул очилур чамандаким булбул навосидин,
Ғамли қўнгул фараҳ топар тўти садосидин,
Ҳуснинг камола етгуси ошиқ дуосидин,
Ошиқларинг умид этар ваъданг вафосидин,
Келгил, дилим хуш айлагил айни савобдур.

Аввалда ваъдалар қилиб охир ситам надур,
Келмай қошимга бир йўли менга бу ғам надур,
Доғи ғамингда жисмима мундоғ алам надур,
Қори пиримға васлинги қилсанг карам надур,
Арзи дилимнинг шарҳидин бу бир китобдур.



Шарх: Доим сани ғаминг билан...

Ишқ ўюлида ҳолим хароб, муродим ҳосил бўлишига қўзим етмайди. Эй ёр, васлингга етиш умиди мени мутлақо тарқ этган. Шунинг учун ҳам вужудим мастилик, телбалик дарёсига ғарқ бўлган. Томирларимда қон ўрнига шароб оқади. Бағрим эса ишқинг ўтида қоврилиб кабоб бўлган. Сен раҳм этмас экансан, жоним азобдан қутулмас, бир назар қилиб, хароб ҳолимни кўрсанг-чи! Чаманда гулнинг ғунча ёзиши булбулнинг навосидан бўлса, ғамли қўнгил фароғати ширин сўздир. Билсанг, ҳуснинг камоли ошиқнинг дуоси билан бўлади. Ошиқларингнинг бор умиди берган ваъдангга вафо қилишингдан. Эй ёри вафодорим, келиб қўнглимни шод айлаки, бундан кўра савобли иш йўқдир. Илло, аввал ваъда қилиб, сўнг ҳажр ўтида куйдириш, жабру ситам қилишингни нима деб шарҳлашга ожизман. Сенсиз ўтган ҳар сония мен учун ғам эканини наҳот билмасанг?! Ғаминг доғи жисмимни аламхонага айлантириди. Эй Қорий, сенга пиринг васли мұяссар бўлармикан? Бу ёзганларим ёр ишқида ёнган дилимнинг шарх китобидир.

(тапқынча)

Фузулий газали

Юнус Ражабий
ижросида

Ё Раб, балойи ишқ-ла қил ошно бани,
Бир дам балойи ишқдин этма жудо бани.

Оз айлама инояtingни ахли дарддан,
Яъники чўх балолара қил мубтало бани.

Тамкиними балойи муҳаббатда қилма суст,
То дўст таън эдуб демая бевафо бани.


Ўйла заиф қил таними фурқатингдаким,
Васлина мумкин ўла етурмак сабо бани.

Нахват қилиб насиб Фузулий каби банго,
Ё раб, муқайяд айлама мутлақ банго бани.



Шарҳ: Ё Раб...

Ё Парвардигоро, Сенинг йўлингда событ бўлган, Ўзингнинг чин ошиқларингга ҳеч замонда осон бўлмаган. Ишқ ва ибодат йўли мудом хавфхатарга тўла. Лекин асл иймон соҳиблари бундай балоларни писанд этмаслар. Ё Раб, мени ҳам ўша чин содиклардан қил. Ишқ изтироби гарчи оғир бўлса ҳам, мени ундан жудо қилма. Ё Яратган эгам, синовларинг оғир эканини биламан, аммо Сенинг караму инояting янада кенг. Қанча оғир балоларга дучор этсанг-да розиман. Фақат ишқинг лаззати ва жамолингни кўриш баҳтидан жудо қилма. Ишқ оғатига мени доимо чидамли қилки, чидолмасдан вафосиз деган таъна-маломатларга қолиб юрмай. Жисмимни висолинг ғамида шунчалар заиф, хас каби енгил айлагинки, енгил бир шабада мени васлинг манзили сари элта олсин. Ё Раб, қулинг Фузулийни ўзига банди этма. Уни ўзидан жудо қилда, улуғ жамолингдан баҳраманд айла.



БАЁТ ТАЛҚИНИ

Навоий газали

*Юнус Ражабий
ижросида*

Оташин гул баргидин хилъатки, жононимдадур.
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.

Оташин лаълидуурким, анда музмар бўлди жон,
Оташин гул баргидин хилъатки, жононимдадур.

Жон қуши хунобидин тутмиш малоҳат нахли ранг,
Ё либоси лолагун сарви хиромонимдадур.

Қатл биймидур, тараҳҳумнинг доғи уммеди бор,
Бу либоси олким, ул номусулмонимдадур.

Васл шоми куймаган парвона шояд қолмағай,
Бу шафақгун ҳуллаким, шамъи шабистонимдадур.

Тутмасун гул сухбатидин сарв ўзин кўп сарфароз,
Э сабоким, ул тўни гулгун менинг ёнимдадур.

Соқиё, гулранг май солиб кетур паймонаким,
Зухд биймидин халал ишқ ичра паймонимдадур.

Эй Навоий, истама жон булбулин ҳар гулдаким,
Ул тўни гулгун, лаби гулбарги хандонимдадур.



Шарҳ: **Оташин гул баргидин...**

Жонон эгнида оловранг гулдан тикилган сарпо жилоланади. Йўқ у ҳашамдор бир либос эмас, менинг жонимга солинган ўтдир. Унинг лаъли шу қадар оташинки, унда жон яширин. Ҳатто лоларанг гул баргидан кийган либоси ҳам шу лаълдан ранг олади. Жон қуши тўккан қонли ёшларидан малоҳат ниҳоли ранг олганми ёки бу сарви хиромоним либосининг рангимикан? Ўлим хавфи мени даҳшатга солади-ю, шунга қарамай ёрнинг шафқатидан умидворман. Илло, бу қизил либос соҳибасидан омонлик топиш ҳам мушкул қўринади. Висол шомида парвона зоти борки, куйиб кул бўлади. Менинг шамъи шабистонимнинг шафақгун кийими ҳам висол онида мени кул қилиши аниқ. Эй соқий, паймонам тўлган бу дамда гулранг майдан келтиргин. Токи, ишқ йўлида ахду паймон қилишимга зоҳидлигим халал

бермасин. Эй Навоий, ҳар гулда жон бубули бўлишидан умид этма. У гулранг ҳирқа менинг гулбарги хандонимга ярашади.

НАВО МЎҒУЛЧАСИ

Мунис ғазали

*Ориф Алимахсумов
ижросида*

Масти жоми васл этиб аввал мени зор айладинг,
Сўнг недин ҳижрон хумориға гирифторм айладинг.

Сендин уммидим бу эрмас эрдиким, бедодила
Хотирим ошуфта у кўнглум табаҳкор айладинг.

Салсабили шафқатингдин истадим саршорлиғ,
Билгач они қаҳринг ўтиға сазовор айладинг.

Кин ила ҳар зулмким бор эрди қўргуздинг манга,
Зулм ила ҳар қинки мумкин эрди изҳор айладинг.

Юз уюрдинг дўстлиғдин, душмани жоним бўлуб,
Оқибат мен зорға йўқ расмлар бор айладинг.

Вақтдур Мунисға ёр ўлсанг карамдинким, ани
Асрү мискин қилдингу ғам хайлиға ёр айладинг.



Шарҳ: Масти жоми васл этиб...

Ал-мисоқда васлинг жомидан масти этиб(жамолингни кўрсатиб), мени зору нотавон қилдинг. Сўнг эса ҳажрон хуморини касби коримга айлантирединг. Сендан умидим шумидики, айрилиқ зулми билан бунчалар паришонликни бошимга солдинг. Жаннатинг покиза булоғидан сув ичарман деган умидим бор. Бундай умидим борлигини билиб, қаҳринг ўтини янада кучайтирединг. Дунёда неки зулм бўлса, барини кўрсатдинг. Сен қилмаган зулм қолмади. Зулм билан дўстликни тарқ этдинг, душманим сингари иш тута бошладинг. Йўқса бундай оғир синовларингни бошимга солганингни қандай тушунай. Бечара Мунистга раҳм-шафқат қилсанг, карамингдан умидвор этсанг бўларди. Зеро уни жамолингга асрлик билан қашшоқ бир гадога айлантирединг, устига ғам тоғини юкладинг.

Лугат

- 1) Салсабил – покиза оқар сув, жаннат булоғи.
- 2) Ошуфта – паришон, девонаҳол, шайдо.

ВАФО

*Ориф Алимахсумов
ижеросида*

Давр таронасин тузиб,
Субҳидам най наво билан.
Уйгонар эл шу субҳидам,
Сидқу дилу ризо билан.

Отланар ўз иши томон -
Барча йигит вафо билан,
Барча йигит вафо билан,
Қиз одобу ҳаё билан.

Ҳар киши қўйса бир кўчат -
Чўлга бу чин чаман бўлур.
Дониш эли гапирса гар,
Ҳиссаси анжуман бўлур.


Яшнатиб элнинг қудратин,
Қудрати зўр Ватан бўлур.
Қудрати зўр Ватан бўлур,
Мехнати муддао билан.

Ёз бўйи бизнинг пахтакор,
Тер тўкишиб пешонадан.
Сувчи тун уйқудан кечиб,
Сувни қуюр нишонадан.

Заррача нобуд айламанг,
Ҳосилин ол нишонадан.
Ҳосилин ол нишонадан,
Тарбияти расо билан.

Шарҳ: Вафо

Тонг палласи - субҳидам оламга давр оҳангини тараннум этади. Эл кўнглида шукrona билан уйқу салтанатини тарқ этади. Ҳамма ўз иши, турмуш ташвишлари билан йўлга тушади. Йигитлар кўнглида иймону вафо, қизлар қалбида шарму ҳаё. Олам чўлдан иборат бўлса ҳам, одамлар томонидан қўйилган эзгулик ниҳолларидан гулистонга айланади. Зотан, бу гапнинг остида бир буюк анжуман ҳикмати пинҳон. Элнинг бунёдкорлиги, эзгу ишлар йўлидаги ҳаракати Ватан қудратига қудрат қўшади. Бундай саодатнинг гарови ҳалол меҳнатдир. Ўзбек дехқони тунни тонгга улаб, пешона тери билан пахтасини парваришлади. Унга оби ҳаёт беради.



Мәхнатни, эзгуликни қадрини билинг, эй ёш авлод! Элда шундай ҳикмат борки, ёшлигидан тарбияси расо бўлганлар – буюк келажак соҳиблари дир.

ОШНО БЎЛДУМ

Машраб газали

*Умар Отаев
ижросида*

Ўшал кун санга, эй шўхи ситамгар, ошно бўлдум,
Давосиз дарди бедармонга охир мубтало бўлдум.

Ба бозори муҳаббат гавҳари қимматбаҳо эрдим,
Рақиблар олдида мисли садафдек камбаҳо бўлдум.

Қаландарвор ҳажрингда навою нолалар қилдим,
Санинг дарду ғамингдин, эй пари пайкар адо бўлдум.

Ўшал кун санга паймон боғладим, эй шўхи бепарво,
Тамомий ҳамнишину ошнолардин жудо бўлдум.

Муҳаббат ўти қуйдурди юрак-бағримни, эй Машраб,
Куюб кул бўлди жисмим, нест бўлдум, зери по бўлдум.



Лугат

1. Ситамгар – қийноққа соловчи
2. Паймон боғламоқ – ваъдалашмоқ
3. Ҳамнишин – ҳамроҳ, ҳамсуҳбат
4. Нест бўлмоқ – йўқ бўлмоқ
5. Зери по – оёқ ости

Шарҳ: Ошно бўлдум

Ўша яратилган ва Сендан жудо бўлган кунимдан бошлаб, бедаво ишқ дардига мубтало бўлдим. Муҳаббат бозорида ўзимни қимматли бир гавҳар деб билардим. Аммо дунё Сенинг ошиқларинг билан шу қадар тўлиб-тошган эканки, улардаги ишқнинг оловию, шавқнинг ҳайбатидан гавҳари чиқариб олинган арзимас бир садафга ўхшаб қолдим. Қаландарлик аъмолим, ишқ йўлида нола қилмоқ касб-корим бўлди. Адолик ҳам Сенинг ишқининг ситамидан бўлса, Ошиқнинг асл муроди ҳосил бўлади. Ўзимни англаган илк кунданоқ Сенга содик бўламан дея ваъдалашдим. Шундан бери қанча замонлар ўтса ҳам, аҳдимни бузмадим. Ўзгани дўст тутмадим. Эй Машраб, муҳаббат ўти бағримни кабоб этди, энди мен одамлар оёғи остидаги тупроқман, мени ҳеч ким қўрмайди. Илло, тупроққа Сендан ўзга ким ҳам назар қиласар эди.

БИЛМАДИМ

Махтумқули шеъри

Фалак менга ғам бодасин бергандан
Висол қайси, ҳижрон қайси, билмадим.
Ҳақ ишига тан бермишман кўргандан,
Орзу қайси, армон қайси, билмадим.

Банда бўлсанг, кўзла ҳақнинг ризосин,
Бало келса, торта бергил жазосин.
Ажал бир кун отар тийри қазосин,
Ипи қайси, камон қайси, билмадим.

Ориф бўлсанг, қулоқ солгил сўзимга,
Бир суратман, бу кун боқма ўзимга.
Дунё тубсиз кўринади кўзимга,
Давр қайси, даврон қайси, билмадим.

*Умар Отаев
иҷросида*




Оз умримни кўп савдога сотибман,
Ўзни билмай, ул дарёга отибман,
На уммондир, на гирдобдир, ётибман,
Замин қайси, замон қайси, билмадим.

Ҳар ким кирса у гирдобга, уммонга,
Бошин олиб чиқа билмас бир ёнга,
Қадам қўйдим ул сахрога-майдонга,
Жон қайси-ю, жаҳон қайси, билмадим.

Бу дунёни осмондаги ранг билдим,
Жон-жаҳдим-ла хўп олишдим, сўнг билдим,
Энди унинг бори-йўғин тенг билдим,
Фойда қайси, зиён қайси, билмадим.

Махтумқули, йўлнинг олди-орти бор,
Тортар юкинг, ҳар кишининг марди бор,
Юрагимда пинҳон ишқнинг дарди бор,
Дард қайси-ю, дармон қайси, билмадим.



ОШУФТАХОЛ АЙЛАДИ

Навоий шеъри

Мени май бас ошуфтаҳол айлади,

*Орифхон Ҳотамов
иҷросида*

Бу водийда мажнун мисол айлади.

Бошимни кўп атрофида майфуруш
Узум жисмидек поймол айлади.

Сабукашлигим айни идбордин
Қадимни юқ остида дол айлади.

Майи лаълу олтун қадаҳ шаклидек
Юзим сориғ, ашкимни ол айлади.

Май истарда идбору ошуфталиқ
Менга жом, синган сафол айлади.

Харобот пири чу бир жом учун
Мени мундоқ ошифтаҳол айлади.

Харобот аро кирдим ошуфта ҳол,
Май истарға илгимда сингон сафол.



Шарҳ: Ошуфтаҳол айлади

Оллоҳ ишқида ҳолим паришон бўлди. Ишқ водийсида телбага айландим. Майфурушлар узумни эзив май тайёрлаганидек, ишқ азоби бошимни ер билан яксон қилди. Дайди майхўр каби девонавор кезишларим айни баҳтсизлигимдандир. Илло, ишқ юкидан қаддим дол сингари эгилди. Бу ишқ изтироби юзимни май солинган олтин қадаҳдек сарғайтирди, кўзимни қадаҳ ичидаги қизил май сингари қонли ёшга тўлдирди. Унинг жамоли йўлидаги машаққатлар, паришонликлар, кўнгил жоми (иймон уйи)ни синган софолга айлантирди. Харобот пири (сўфий хонақоҳидаги муршид) кўнглим хароблигини айтиб, ҳолимни танг этди. Харобот ичра ҳолим паришон, қўлимда синган сафол (тариқат йўлига алағда ҳолимда, иймон ҳаловатини топмаган кўнглим) билан, Оллоҳнинг васлинни истаб қадам қўйдим.

Лугат

- 1) Сабукаш – кувача, кувача кўтариб юручи.
- 2) Идбор – баҳтсизлик, иши юришмаслик.

БИР КУН

Салоҳий газали

*Орифхон Хатамов
ижросида*

Ёмонлик тарбият қилма, жафоларни солур бир кун,
Гар итни тарбия қилсанг, сени ёнинг олур бир кун.

Улуг олий насабдан улфатим деб айтма сирингни,
Хусумат бирла у ногоҳ оёғингдан чалар бир кун.

Ажойиб меҳрибонлар топилур бегона жойлардан,
Туғишиган баъзилар бегонадек четда қолур бир кун.



Пули йўқ камбағалдур деб йироқлашган биродарлар,
Қачон баҳтиңг юришса ўз-ўзидан ишқалур бир кун.

Ҳаётинг борида келмас, хабар олмас қариндошдан,
Сен ўлғон сўнг пушаймону муҳаббат қўзғолур бир кун.

Тила ҳар хожатинг Ҳақдин, бўлакдан сўрмагин ҳаргиз,
Ишонган дўстларинг қочгай, ишинг гар чайқалур бир кун.

Кишининг ҳаққидан кўрқғил, сенга жаннатга йўл бўлмас,
Агар уч йўл шаҳид ўтсанг, ўшал ҳам қисталур бир кун.

Тегирмонинг юриб турганда элнинг ҳожатин кўзла,
Билолмассан ариқ сувсиз қолиб ул тўхталур бир кун.

Адоват бирла доғ солган дили оқ бегуноҳларга,
Топиб ҳаққоният ул доғ ўзингга суркалур бир кун.

Кел энди бўлма кўп мағрур кўзинг оч, қолма ғафлатда,
Бу хирс этканларинг ўтсанг қаерлардан қолур бир кун.

Таарриз бирла тўхталма Салоҳий қил бу кун ижод,
Топар ўз қийматин шеъринг, гўҳардек исталур бир кун.

Шарҳ: Бир кун

Ёмонлик кўчатига сув қуйма, бир кун жафосини тортувчи ҳам ўзинг бўласан. Агар итни ҳам меҳр бериб тарбия қилсанг, бир кун келиб сенга вафо

қилади, ёмонлар бошингга кулфат солмоқчи бўлсалар ҳимоятинг йўлида жонини қурбон қилади. Сохта дўстлар макрига учиб сирингни уларга ошкор этмагин. Пайти келганда ногоҳ оёғингдан чалиши бор. Баъзан эса бегона дўст бўлиб сенга яхшилик қилади, туғишгандан ортиқ меҳр кўрсатади. Қашшоқлик синови бошингга тушганда сендан йироқлашган дўтларинг, Худо ишингни ўнглаганини кўришса, яна беор лайча сингари оёғингга суркалишдан ор қилмайдилар. Шундай қариндошлар бўладики, ҳаёт пайтинг ҳолингга парво ҳам қилмайди, ўлимингдан сўнг эса беҳуда меҳрини намойиш этади. Ҳаёт шундай, одамларда субут ва вафо анқонинг уруғи. Шунинг учун хожатингни одамлардан эмас, фақат ЎЗИдан сўра. Ҳаётинг фаровон, ишларинг юришиб турганда имкон қадар яхшилик қил, яхшиларнинг дуоларини ол. Зотан, тегирмонингни равон айлантириб турган ариқ суви қачон қуриб қолишини билмайсан. Фақир кимсаларга зулм қилганлар асло жазосиз қолмас. Ҳақнинг қасоси муқаррардир. Дунё ишваларига алданиб ғурур ҳудудига қадам босмагин. Бу бунё ҳирс қўйишга арзимайдиган кўхна матоҳдир. Эй Салоҳий, арз-дод қилишни бас қилда, Ҳақ сўзини айтиш учун қаламингни шайла. Сун ўтиб кетсанг ҳам, бундай сўзларийингнинг қиймати ўлмас. Гавҳар мисоли уни одамлар истаб юргайлар.



ТИЛАР ЭРДИМ

Фурқат сұзы

*Асқар Убайдуллаев
ижросида*

Тилар эрдим сахар чоғи чаман әсган саболардин
“Саломим еткуруб, келтур хабар,” – деб ошнолардин.

Сабаб шул эрдиким, тарки китобат айладим бил-кул,
Валекин қўймадим холи сахаргоҳи дуолардин.

Ўкуб ул дам они бўлди оқарғон кўзларим равшан,
Сиёҳига эзиб эрдинг магарким тўтиёлардин.

Мени ёд айлаганларға етургайсан саломимни,
Фаромуш айламай бизни фақиру ағниёлардин.

Вале тарки китобат айлади бир неча муддатдур,
Менидек доғи ғурбатга асиру мубталолардин.



Шарҳ: Тилар эрдим



Ҳар сахарда ғир-ғир эсаётган нафис бўйли саболарга “Ёр-дўстларимга саломим етказгин, қайтар чоғинг улардан хуш хабар олиб кел”, дея ялинаман. Бунинг сабаби шуки, бугундан эътиборан дўстларга мактуб ёзишни тарк этдим. Саломимни етказгувчи энг яхши дастёр сабо эканини билдим. Эндиликда сабога хитоб айлаб, сахар чоғи дўстлар дуосини қилиб ўтириш ғаниматлигини англадим. Дўстлар ёди билан кўз қорасига тўтиёни эзиб қўйган эдим, хаста кўзларим соғайди.

Эй сабо, мени ёд этганларнинг барчасига саломимни етказгин. Мендек ғурбатда куйган кимсага бирор мактуб ёзмади, илло, фақирни ким ҳам ёд этарди.



ИНДАМАС

Фурқат ғазали

Не эрур журмимки, күрса ул ситамкор индамас,
Гарчи ишқида қилурмен нолаю зор индамас.

Учрадим қандоғ ситамгар дилрабоға, оқким,
Тиги жавридин қилиб бағримни афгор индамас.


Лоуболу шўхдурким, маҳзи истиғно қилиб,
Бўлса ҳам аҳволи зоримдин хабардор индамас.

Йўлида бошимни помол айласам ҳам соядек,
Зарра парвоси йўқ ул хуршиди рухсор индамас.

Индаса раҳми келиб шоядки деб, Фурқат, анга
Тўғри бўлсам лоақал кўрганда бозор индамас.

Асқар Убайдуллаев
Ижросида






Самарқанд ушшоғи

Бунда...

Очилхон Отахонов

Фотони Аиула файлидан олиши керак



МУБТАЛО БЎЛДУМ САНГА

Алишер Навоий газали

*Очилхон Отахонов
ижросида*

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга,

Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга.



Ҳар неча дедимки кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим вафо қилғил, манга, зулм айладинг,
Сен қачон дединг фидо бўлғил манга, бўлдим санга.

Қай пари пайкарға дерсен-телба бўлдунг бу сифат,
Эй парийпайкар, не қилсанг қил манга, бўлдум санга.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим аввора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

Шарҳ: Мубтало бўлдум санга

Сенинг ҳусну жамолингни кўрай деб зору мубтало бўлдим. У қандай баловаш кун эдики, Сенга ошно бўлдим. Ўзимча Сени кунлар ўтиши билан унитишга бел боғладиму, ажабки, кундан кун баттарроқ мубталолигим ортди. Мен Сендан вафо истаган пайтим олганим фақат зулм бўлди. Сенинг “фидо бўлғил”, деган буйруғинг менга жон бағишилади. Телбалигин сабаби қай бир пари пайкар дея савол қиласан. Аслида телбалигим боиси Ўзинг эканинг Сенга аён. Эй кўнгил, насиҳатларга қулоқ тутмайдиган бир телбага айландим, сени овораи сарсонлар қилдим. Бошингга тушаётган юз бало етмагандек, мен ҳам бир улкан бало бўлдим. Қўлимда Жамшид жоми, насибам Хизр сувидир. Эй Ёр, жаҳолат таркини айлаган онимдан бошлаб Сенинг гадойинг бўлдим. Токи Навоий сингари аср ва бенаво бўлмагунча, ошиқлар аро ғусса чангидан ўзга наво топмадим.

ҚАЛБ САДОСИ


Акмал Пўлат
мухаммаси

Очилхон Отахонов
иҗросида

Ким хиёнат қиласа халқقا икки юзи қора денг,

Халқни жондин севмаса у бағри қондир, пора денг,
Топмагай асло мунофиқ дардига ҳеч чора денг,
Тортгуси ҳасрат-надомат ҳамда күнгли ёра денг,
Қилмишидин хору зору нотавон овора денг.

Халқига хизмат қилиш, жондин билинг, катта савоб,
Она ер тупроғини ҳар лаҳзада этгум тавоғ,
Мехрибон халқим мадорим сен ўзингсан офтоб,
Ким хиёнат қилса халққа икки юзи қора денг,
Халқни жондин севмаса у бағри қондир, пора денг,



Жону дилдан қаҳрамон халқ хизматин этгум бажо,
Хур Ватан фарзандидурман, иззатин этгум бажо,
Ақмал ўғлинг дер, сенга зўр ҳурматин этгум бажо,
Ким хиёнат қилса халққа икки юзи қора денг,
Халқни жондин севмаса у бағри қондир, пора денг,

Шарх: Қалб садоси

Халқнинг дуоси ёмонни яхшига, ёвузни раҳмдилга, қашшоқни ғанийга айлантиради. Шундай экан, халқига хиёнат қилган кимсанинг юзи қорадир. Ўз элини севмаганнинг юраги фасодга тўла, ғофилдан бошқа таърифи йўқдир. Бундайларни эл оддийгина қилиб мунофиқ дейди. Мунофиқнинг эса дарди бедаводир. Унинг ҳасрат-надомати абадий, қилмиши ёмонлик, оқибати хорлиқдир. Халқ хизмати йўлида жонни аямасликдан катта савоб борми ўзи дунёда?! Она юрт тупроғичалик муқаддас, покиза хилқат яна қайда бор?! Эй эркесвар, меҳри дарё халқим, мақсадим сенга содик фарзанд бўлиш. Сенга хиёнат қилганнинг эса юзи қаро бўлгай. Танимда жоним бор экан халқ хизматини бажо айлашдан толмайман. Озод Ватаним иззатинг, ғуруринг ва меҳринг қалбим тўридадир. Ўғлинг Ақмалнинг Сенга бўлган муҳаббати чегара билмас. Зеро, ким Ватанга хиёнат қилса, ундан бадбаҳт одам бўлмас.

Карим Зокиров

Карим Зокиров (1912, Тошкент) – ўзбек хонандаси, опера солисти (лирик-драматик баритон), ЎзССР халқ артисти (1939), 1948 йилдан КПСС аъзоси. Москва Давлат консерваторияси ҳузуридаги ўзбек студиясида ўқиган (1934-36). Ижодий фаолиятини 1928 йилдан драматик актёр сифатида бошлаган. Зокир дастлабки ролларни Ўзбек Давлат драма театрида (1929) ва Ишчи ёшлар театрида (1930-31) ўйнаган. 1936-38 йилларда Тошкентдаги Ўзбек Давлат музикали театри, 1939 йилдан Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрининг солисти. Зокир 40 дан ортиқ образлар яратган. Музикали драмаларда Фарҳод (Хуршид, “Фарҳод ва Ширин”), Неъмат (F.Зафарий, “Ҳалима”), Қайс (Хуршид, “Лайли ва Мажнун”), Ботир (С.Абдулла, “Пўртана”) ва бошқалар, операларда Бўрон (С.Василенко ва М.Ашрафий, “Бўрон”), Тоҳир (Т.Жалилов ва Б.Бровцин, “Тоҳир ва Зухра”), Иброҳим (Р.Глиер ва Т.Содиков, “Гулсара”), Мулладўст (С.Юдаков, “Майсарапинг иши”), Ҳамза (С.Бобоев, “Ҳамза”) ва бошқа ролларни ижро этган. Зокирнинг куйлаш санъати ўзбек халқ-профессионал ижрочилик анъаналари билан узвий боғлиқ. Халқ қўшиқлари, мақом парчалари Зокир ижросида ўз миллий бадий ифодасини топган. Зокир чет эл ва рус классик операларидағи Эскамилью (Ж. Бизе, “Кармен”), Яго (Ж.Верди, “Отелло”), Елецкий (П.И.Чайковский, “Пиковая дама”) ва қардош халқлар операларидағи Тарғин (Е.Брусловский, “Эр Тарғин”), Ҳасанхон (У.Ҳожибеков, “Кўр ўғли”), Кажар (А.Спендиаров, “Алмаст”) каби мураккаб партияларни ҳам муваффакиятли ижро этган. Зокир Ленин ордени, Мехнат Қизил Байроқ ордени, “Ҳурмат Белгиси” ордени ва медаллар билан мукофотланган.

Зокирнинг рафиқаси Шоҳиста Сайдова – Муқимий номидаги Ўзбек музикали драма ва комедия театрининг собиқ солисткаси, фарзандлари: Ботир Зокиров – ЎзССР халқ артисти, Луиза Зокирова – республикада хизмат кўрсатган артистка, Навфал, Фарруҳ ва Равшан Зокировлар – эстрада солистлари, Жамшид Зокиров – драма актёри.

Ад.: Корсакова А., Узбекский оперный театр. Очерк истории. Т., 1961; Именной указатель: Закиров Карим.

ИСТАРМЕН

Алишер Навоий газали

*Карим Зокиров
ижросида*

Баҳор андоқки булбул гулъузори тоза истармен

Ки, ул гулбоғ ила ўзни баланд овоза истармен.

Чу ул гул тоза-тоза ўт солур күнглум аро, мен ҳам
Ул ўтдин кўкрагим доғини тоза-тоза истармен.

Чу йўқ андоза ишқим бирла шавқимға, ул ойни ҳам,
Жамолу меҳр ойинида беандоза истармен.

Эритсам гар кўнгул чоки учун пайконларинг, тонг йўқ,
Темурдин чун ҳисори дард учун дарвоза истармен.

Узори шавқи тифидин ўлуб қонлиғ кафан бирла,
Анинг ҳар хоридин хуро юзига ғоза истармен.

Фироқинг ичра розимен фалак жисмим уйин йиқса,
Хилофи одат уй вайрон қилурға роза истармен.

Навоий назмининг авроқи зулфунгдин паришондур,
Анинг жилдиға сунбул торидин шероза истармен.



Шарҳ: Истармен

Шундай баҳорни истайманки, унда гулюзи озода бир булбул наво қилсин. Ўша гулбоғ овозаси оламни тутсин. У гулбоғда камол топган гул кўнглимга ўт солишини кўймас. Фунча сари мен ҳам шу ўт тафти билан қалб доғларимни тозалашни истайман. Ишқу шавқим чек-чегара билмайди, ул ойнинг ҳам гўзаллик ва меҳр русумида андозасиз бўлишни хоҳлайман. Кўнгил чокини чегалаш учун қалбим ҳарорати пайконларингни эритса не ажаб, илло келаётган дард селига темирдан дарвоза истарман. Чехраси нуридан шавқланиб қонли япроқ билан кафандансам, у гул тиконлари хурлар юзига пардоз бўлишини истайман. Сенинг фироқингда жисмим қурбон этишга розиман. Одатимга терс равишда, уй вайрон қилишимга, бир сирдош истарман.

Навоий меҳринг варақлари зулфингдан ҳам тарқоқроқдир. Уни бирлаштириб, бир жойга жамлаш учун сумбул торидан ип қилишини истарман.

ЧОРГОҲ II

Фузулий газали

*Карим Зокиров
иҷросида*

Сабо, ағёрдан пинҳон, ғамим дилдора изҳор эт,
Хабарсиз ёрими ҳоли харобимдан хабардор эт!

Кўнгул ғам кунларин танҳо кечурма, иста бир ҳамдам
Ажал хобиндан, афғонлар чекуб, Мажнуни бедор эт!

Мани рашк ўдина парвонатак, эй шамъ, ёндирма,
Етар, хуршиди рухсоринг чироғи базми ағёр эт!

Фузулий, боқмоқ ўлур ул гунаш ёдила хуршида,
На важҳ иланким, ўлса кун кечар фикри шабитор эт!



Шарҳ: Изҳор эт

Эй тутқунлик нималигин билмай эркин юрган сабо, рақибимдан пинҳон тутиб юрган сиримни ёримга етказгин. Ҳолимдан бехабар ёримни хароб аҳволимдан огоҳ қил. Эй кўнглим, қайғули кунларингни танҳо кечирмагину ажал уйқусидан уйғониб бир дўст изла. Сен чеккан афғондан Мажнуннинг ҳам уйқуси ўчсин. Эй шам, мени парвона янглиғ рашк ўтида бунчалар қуидирмасанг! Хуршид каби рухсоринг билан рақиблар базмини чароғон айла.

Фузулий у қуёш жамолини хуршидда қўрармиканман деб у томон кўз тиккан. Аслида эса унинг муроди тезроқ кун ботиши-ю, кеч киришидир.

Лұғат

1. Хоб – уйқу.
2. Афғон – фиғон, ўқириб йиглаш.
3. Важҳ – Бу ўринда тирикчилик воситаси, бадал маъносида.
Юз, бет маъноси ҳам бор.
4. Шибтор – ўхшаш маъносида.

ҚОЛДИМУ

Бобур газали

*Карим Мўминов
ижросида*

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?

Мени хор этдию қилди муддайни парвариш,
Даҳри дунпарварнинг ўзга муддаоси қолдиму?


Мени ўлтурди жафоу жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмоқ учун меҳру вафоси қолдиму?

Ошиқ ўлғач кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафиқ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму?

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар қилма айб,
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?



Шарҳ: **Қолдиму**



Ёлғон бу дунёда мен кўрмаган бирор жабру ситам, ёмонлик, хаста кўнглим кўрмаган дарду бало қолмади. Бу ёмонликка мойил ёлғончи дунё яхшини эзib-янчиш, ёмонларни парваришилаш, рағбатлантиришдан ўзгага ярамайди. Менга-ку у қилмаган ёмонлик қолмаганга ўхшаса ҳам, жафоларнинг охири кўринмайди. Унинг яна қандай муддаоси бор экан, билмадим. Ёр ёдида ўртаниб, тириклик нишонаси жисмимни тарк этмиш. Энди мени қайси меҳр, қайси вафо тирилтира олсин! Ошиқлигим ўлимни менга қадрдон қилиб кўйди. Эй дўстим, бу оламдан бошқа бирор тамаъим қолмаганидек, у дунё ваҳшатидан қўрқувим ҳам йўқ.

Эй кўнгил, Бобур чин дунёни хоҳлаган экан, уни айблама. Зеро, унинг борлиғи Тангри томон интилмоқдаки, Унинг ишқи жой олган қалб учун бу дунёning қизиги қолармиди.

БЕВАФО ЁР ИШҚИДА

*Собир Абдулла
газали*

*Карим Мўминов
ижросида*

Йўқ вафосизлик замонда, чин вафо бор ишқида,
Шу туфайли куймадим бир бевафо ёр ишқида.

Гоҳи тунлар мижжа қоқмай ўлтириб хат устида,
Гоҳи кунларда кезармен боғи гулзор ишқида.

Қай ҳунарга тушса ишқим, мен дадил қўйдим қадам,
Топдим имкон, етгали, касбнинг улуғвор ишқида.

Берса кўнгул кимга-ким, йўқ оҳу воҳнинг ҳожати,
Қайси қудратсиз йигит, қиздирки, бемор, ишқида.

Ишқсиз бўлмоқ уятдир, ишқибозлик айб эмас,
Хусн эмас инсон учун, ким бўлса инкор, ишқида.

Ҳар йигит ҳар қиз учундир ишқида аҳду вафо,
Чин муҳаббат бўлса кимда номусу ор ишқида.



Шарҳ: Бевафо ёр ишқида

Чин ишқ ҳеч замонда вафосизлик нималигини билмас.
Вафодорлик шиорим бўлгани боис ҳам бевафо ёр ишқида қуиби-
ёнган эмасман. Қолаверса, менинг қонимда шеър ишқи қўпириб
оқади. Тунлари оқ қофозга дилрозимни арз этиб, кунлари гулзор аро
шеърларимга ташбех излайман. Қайсики ҳунарга кўнглим
боғланмасин, унга томон қадам ташлашдан чўчимадим. Касбнинг
улуғвор ишқини қозониш имконини топа олдим. Ёрга берилган
кўнгилга оҳ-воҳлар ярашмас. Кимки бунга йўл қўяр экан унинг
ишқи ҳам bemordir. Ishqqa kул бўлиш эса уятмас, ишқсиз яшамоқ
уят. Кимки ишқни инкор этса, унга инсонлик сифати ётдир. Ҳар
йигит-қиз ишқни ор-номус деб билар экан, бевафолик қўчасидар
ўтмаслиги лозим.

БАЁТИ ШЕРОЗИЙ III

*Фурқат ғазалига
Мұқимиң мұхаммаси*

*Эсон Лутфуллаев
ижросида*

Ишқ йўлида муқарраб раҳнамо кам-кам бўлур,
Мустажоб ўлмас деманг ҳаргиз, дуо кам-кам бўлур,
Сандилларга муассир оху во кам-кам бўлур,
Эй кўнгил, сабр айла ул маҳ ошно кам-кам бўлур,
Байтул-аҳзоним ахири пурзиё кам-кам бўлур.

Ҳар тарафга бўлмоғил ўзни уриб бетоблар,
Ойни ўн беши қоронғу, ўн беши моҳтоблар,
Қатра ҳам тамкин билан бўлғай дури ноёблар,
Ёр васлиға таамнул еткуурур, аҳбоблар,
Гар саломатлиғни қўйса, муддао кам-кам бўлур.

Чашми таҳқир ила ҳеч кимга тикилманг, дўстлар,
Дарҳақиқат, кимсани бехуда билманг, дўстлар,
Гоҳ Мұқимиңга тамасхур бирла кулманг, дўстлар,
Бехабар деб Фурқатийга таъна қилманг, дўстлар,
Лутфи Ҳақ бўлса агар, машқи бажо кам-кам бўлур.

Шарҳ: **Ишқ йўлида**

Ҳақ жамолини истаганлар учун Оллоҳга яқин одамлар раҳнамолиги керак. Лекин оламда бундай яқин зотларни топиш қийин. Албатта чин кўнгилдан қилинган дуо ижобат бўлади. Банда дуоларим ижобат бўлмаяпти деган шубҳага бормай, дуони қўпайтиргани яхши. Холис дуога сира тўсиқ бўлmas. Зоро, бағри дунё муҳаббатидан тош қотган кимсалар иймоннинг асл моҳиятини англамаслар. Эй кўнгил, бундайларга ҳам сабр билан жавоб бергинки, ҳазинлик ортида бир кун келиб пурзиё бўлиш бор. Сабрсизлик билан ўзингни ҳар ёнга урмагин. Ахир ноёб дурнинг дунёга келиши учун ҳам сабр, чидам керак. Сабр таги олтин. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Ҳақ жамолига ошуфта ошиқ ўзини сира аямас. Йўқса муддао ҳосил бўлmas. Эй дўстлар, бироннинг ҳолин билмай туриб, паст назар билан қараманг. Факир ва хор кимсанинг Оллоҳ ҳузуридаги мақомини қайдан биласиз!? Жумладан, Мұқимиңга ҳам масхараомуз кўз солманг, шоир

Фурқат таъна қилманг. Зотан, Ҳақ лутфидан баҳраманд қулнинг мартабасидан юксакроқ даражада бўлмас.

РЎШНО БЎЛСИН ДЕСАНГ

Ҳайдар Яхёев

шеъри

Сўзлагил ҳақ сўзни, кўнглинг
рўшно бўлсин десанг,
Кимсага ҳеч берма озор,
ошно бўлсин десанг.
Меҳнатинг, илминг ва
одобинг, дидингни доимо
Ҳамнафас қил қунт ила,
ақлинг расо бўлсин десанг.

Эсон Лутфуллаев

ижросида

Сен отанг бирла онанг
одамлигидан ибрат ол,
Волиданг бирла падар
сендан ризо бўлсин десанг.
Доимо бўлгин фидо,
сергак элинг иқболига,
Ҳар мунофиқнинг юзи
доим қаро бўлсин десанг.

То ҳаётсан, этмагил ҳаргиз
хиёнат ёрга,
Кўзлари шаҳло нигоринг
қоши ё бўлсин десанг.
Ёр меҳрин асрар кўзлар
мардуми ичра мудом,
Дилбарингни бир умрга
дилрабо бўлсин десанг.

Ҳар ишинг, Яхё, элингга
бахш этиб ижод қил,
Халққа хизмат қилки,
умринг бебаҳо бўлсин десанг.

Шарҳ: РЎШНО БЎЛСИН ДЕСАНГ

Кўнгил хотиржамлиги, қалб мунаварлигини топмоқчи бўлсанг, асл дўстга эришмоқ истасанг, бирорга озор берма. Меҳнатсеварлик, илму одоб, дидингни ўзаро мосласанг, билгинки, расо ақлнинг белгиси шу бўлади. Одамнинг одамлиги ота-онасидан қай даражада ибрат олгани билан белгиланади. Тарбияли инсоннинг боласи ҳам тарбияли бўлади. Ота-онадан ибрат олиб ўсмиш фарзанд уларнинг ризосини топиши муқаррар. Халқ ишига камарбаста, унинг фаравонлиги йўлида сергак бўл. Шунда мунофиқ

кимсаларнинг юзи қаро бўлишини кўрасан. Кўзи қаро ёринг шод-хуррам, оилангда файз бўлишидан умидинг бор экан, зино ва хиёнатдан йироқ юр. Ёрингдан вафо, садоқат истасанг унинг ишқини мудом кўз қорачиғингда асра. Эй Яҳё, ҳар не қилсанг эл манфаатини ўйлаб қил. Халққа ҳалол хизмат қилинган умр бебаҳодир.

НЕ НАВО СОЗ АЙЛАГАЙ

Алишер Навоий газали

*Ҳасан Ражабий
ижросида*

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Ул қуёш ҳажринда қўрқармен фалакни ўртагай
Ҳар шарореким бўлур бу ўтлуғ афғондин жудо.

Дема, ҳижронимда чекмайсен фифону нола қўп,

Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил
Ёрни мендин жудо ёхуд мени андин жудо.

Васл аро парвона ўртанди ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.

Бир эёсиз ит бўлур эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.



Шарҳ: Не наво соз айлагай

Булбул гулистондан жудо қилинар экан, у нима ҳақда ҳам куйласин. Тўти сўз айтиш учун шириңсўз сухбатдошга муҳтоҷ. Ёр фироқида чеккан оҳим алангаси фалакни кўйдирар деб қўрқаман. Ҳажримда фифон чекмайсан деб мени қўп ёзғирма. Ахир фироқинг ғамидан жисмимда жон йўқ. Жониз жисм фифон чека оладими? Бу ҳажр ўлимдан ҳам ёмонроқдир. Эй чарх, мени жонондан айирма, яхшиси жондан жудо қила қол. Эй ҳажр, юзминг жоним бўлса ҳам олақол розиман, фақат жононни мендан, мени жонондан ажратма. Шам билан қовушишдан куйиб-ўртанаётган парвона билдики, тонг уни шабистонда топмиш баҳтидан жудо қиласди. Навоий Яратганни танимаса, унинг бир дайди итдан қандай фарқи қоларди. Ё Раб, ҳеч бир банда Сендек султонидан жудо бўлиш кулфатини кўрмасин.

Луғат

1. Шарор – учқун, аланга, тобланиш, ёрқираш.
2. Талх – аччиқ.

3. Гардун – чарх.
4. Парвона – шам атрофида айланувчи ҳашорат.
5. Эёсиз – эгасиз.
6. Шаккаристон – шакарқамишзор, шириң сұхбат, севиклининг лаби

НАВБАХОР

Муқимий ғазали

*Ҳасан Ражабий
ижросида*

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар.
Сұхбат айлаклик, келинглар, жўралар, ўртоғлар.

Хуш бу маҳфилда тириклиқ улфату аҳбоб ила
Ўйнашиб, гоҳи табиатни қиласайлик чоғлар.

Рух очиб кўздин ниҳон бўлса паридек, найлайнин,
Айрилиб хушу ақлдин телба бўлмай соғлар.

Ҳафйким аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоғлар.

Марҳам истаб кимсадин, захми дил изҳор айласанг,
Чораи қилмоқдин ўзга, устига тирноғлар.

Тобакай мундоғ маломат кунжида доим Муқим,
Бу замон қўз тутгин эмди сенга бўлсун тоғлар.




Шарҳ: Навбаҳор

Илк баҳор айёми боғларни майса гиламлари билан безади. Гуллар хандон отди. Эй дўстлар, келинг баҳор қувончини баҳам кўрайлик. Азалий ҳикматлардан баҳра олиб, эзгулик анжуманин тузайлик. Бундай гўзал, ажойиботлар тўлиб-тошган манзилга ёлғиз одам ярашмайди. Ахир инсон-инсон билан, дўст-дўст билан тирик-ку! Дўстларнинг қувноқ табассуми табиатнинг ўзини ҳам кулдирса не ажаб!? Баҳор абадий эмас. Кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Бунинг ҳикмати шу: токи баҳор латофатига дош беролмай соғлар ҳам телбага айланмасинлар. Аммо гўзаллик ва эзгулик доим ҳам қадр топавермаган. Баҳор ўрнини бадбин куз эгаллаши қанчалик ҳақ бўлса, булбул ошиёнига қарға-қузғунлар эга чиқиши ҳам бор гап. Дилнинг бу каби битмас яраси ҳақида сўз очиб малҳам топиш мумкин бўлган кимсалар эса дунёда жуда оз. Кўпчилик ярангга малҳам қўйиш у ёқда турсин, уни темир тирноқлари билан тирнашдан роҳат топадилар.

Эй Муқимий, бундай маломат бурчида қачонгача ғам чекаман демагин. Иродангни тоғ билгинки, фано дунёсининг бўлгани шу.

Маҳфил – жой, манзил.
Ошён – уя, турар жой.
Зоғ - қарға.
Марҳам – дори, малҳам.
Кунж – бурчак; маломат кунжи – айб түнкаш, ёмонлаш бурчаги.

Муҳаммаджон Каримов



БАЁТ V

*Алишер Навоий
газали*

*Муҳаммаджон Каримов
иҗросида*

То муҳаббат дашти бепоёнида овораман,
Хар балият келса ишқ ошубидин бечораман.

Эл нетиб топгай мениким, мен ўзумни топмасам,
Бўйлаким, ишқи жунун сахросида овораман.

Қайси захмимга қилурсан чора чун мен, эй рафиқ,
Тир борони балиятдин саросар ёраман...

Эй, Навоий, борди деб ахбоби таъжил этма кўб,
Ит каби мен эргашиб ул корвонга бораман.



Шарҳ: **То муҳаббат дашти...**

Илоҳий муҳаббатнинг чексиз биёбони ичра овораи сарсон юрар эканман, ишқ ғавғоси қандай балолар келтирганда ҳам, чорасиз бош эгаман. Ишқ сахросида адашган, ўзини-ки топмаган мендай бир телбани эл қандай топсин. Эй дўст, менинг ярамга малҳам кўяман деб овора бўлиб ўтирма. Ўқ бўронидан илматешик танамнинг қайси бир ярасига чора қиласан. Навоий Унинг суюклиси бўлиб ёнида юрибди деб хом хаёлга бормангларки, мен У томон йўл олган карвон ортидан эргашиб кетаётган бир итман.

Луғат

1. Ошуб – ғавғо.
2. Балият – балолар, машаққатлар.

3. Захм – яра.
4. Тир борони – ўқ ёмғири.

ЖАМОЛИНГ СОҒИНИБ

Машраб газали

*Муҳаммаджон Каримов
ижросида*

Жамолинг соғиниб шому сахар ман зор йиғларман,
Жунун сахросида девона-мажнунвор йиғларман.

Санга рози дилим изҳор этиб сўйлар мажолим йўқ,
Паришон ҳолу саргардону дилафгор йиғларман.

Кўрай деб орзу айлаб жамолингни ман, эй зебо,
Турубдурман эшигингда, аё ғамхор, йиғларман.

Кўзумдин мавж уруб селоби ашким тўла қон оқти,
Агар ёдимга тушсанг, эй пари рухсор, йиғларман.

Илоҳий мағфират дарёсидин Машрабни шодоб эт,
Ҳамиша, шайъанлиллоҳ, деб қаландарвор йиғларман.

Шарҳ: Жамолинг соғиниб



Эй бақо мулкининг Султони, эй мен ғарив девонанинг Ёри, жамолинг соғиниб шому сахар кўзимдан қонли ёшлар тўкаман. Ишқингда телбаман, маконим жунун сахроси, вақт мен учун мазмунини йўқотган. Сенга дардимни арз қиласай десам гапиришгода мажолим йўқ. Ҳолим паришон, рух ва вужудим сарсон-саргардон, аъмолим фақат йиғлаш. Сенинг улуғ жамолинг истаб, эшигингда ит каби ётибман. Кўз ёшим тугади, энди ёш ўрнида қон оқмоқда. Сенинг ёдингдан ўзга нарса ёдимга тушмас. Эй ЁР, Машраб девонани илоҳий мағфиратинг дарёсидан насибадор айла, унинг ғамзада

кўнглини шод қил. Тилимда Ўзингнинг номинг, қаландар кўксимни тупроққа бериб йиғлаганим, йиғлаган.

ХАЛҚИМ

*Гайратий
шеъри*

Ўз бахтини топган азамат -
Мехнатсевар мардона халқим.
Сенга бўлган меҳру муҳаббат
Таронасин қуйлашдир баҳтим.


Кўшиғимга сарлавҳа бўлди
Гўзал ҳаёт, порлоқ тақдиринг.
Олов қалбим севгига тўлди
Мафтун этди туганмас меҳринг.

Моҳир қўлинг чизган чамандан
Гуллар териб туздим сатрлар.
Достонимнинг мазмуни сендан
Яратилди, яшар асрлар.

Ҳаммасини олдим ўзингдан,
Сен бўлмасанг қайда дебоча
Шеъриятим порлок сўзингдан
Баҳра олур кундузу кеча.

Ҳаммасини ўзинг яратдинг,
Териб олдим сен учун атаб.
Қалбимдаги ишқ муҳаббатинг,
Ўтай умрим борича куйлаб.

*Фахриддин Умаров
ижросида*



Шарҳ: **Халқим**

Эй халқим, сен ўз баҳтини ўзи топган, меҳнатсевар, мардларнинг дояси бўлган мавосан. Менинг баҳтим эса сенга бўлган муҳаббатимни куйлашда. Қўшиғимнинг сарлавҳаси сенинг кучоғингдаги гўзал турмуш ва порлоқ келажакдир. Қалбим севгинг тафтидан оловланди. Чексиз меҳринг мени мафтун этди. Сенинг моҳир қўлинг асрлар давомида чизган сўз чаманидан баҳра олиб шеърий сатрларимни тиздим. Сен ҳақингда айтган достоним, шунинг учун ҳам ўлмайди, асрлар оша яшаб қолади. Нимага эришган бўлсан ўзинг туфайли эришдим. Илҳомни ҳам, шон шавкатни ҳам, камтарлигу сабртоқатни ҳам фақат ўзингдан олдим. Шеъриятим эса порлоқ сўзинг шуъласидан нурафшон бўлмиш. Ҳаммаси учун сенинг олдингда қарздорман. Бундай қимматли қарзни узиш учун умрим етмаса ҳам, хаёт эканман, сенга бўлган муҳаббатимни куйлаб ўтаман.

УМР ЎТМОҚДА

Тўра Сулаймон шеъри

*Фахриддин Умаров
ижросида*

Эсиз, болаликни қолдириб ортда,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Оппоқ тонгни улаб тийрай шомга,
Бирда шак келтириб сирли оламга,
Гоҳо таъзим қилиб бадкор, бадномга,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Мавж уриб дарёдек қирғоқдан тошиб,
Юрап йўлимиздан бирда адашиб,
Ким биландир зимдан мансаб талашиб
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.



Эрта билан боғлиқ – не дамларимиз,
Билиб-бilmай босган қадамларимиз,
Хайрли иш, алам, карамларимиз,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Кексалик мўралаб эшик қоқмоқда,
Болалик қайтадан қайтарилимоқда...
Биздан эрта кунга нелар қолмоқда?
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Эсиз, болаликни қолдириб ортда,
Ур ўтмоқдадир дарё мисоли.
Қолдириб-қолдирмай из бу ҳаётда
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Шарҳ: **Умр ўтмоқда**

Бахтиёр болалик поклигини, саодат орзуларини доғда қолдириб умр ўтиб бормоқда. Тонгнинг шом бўлганини сезиб-сезмасдан, баъзан табиатнинг буюк қонуниятларидан норози бўлиб, гоҳ бир бадному маккорга нафс йўлида илтифот этиб, умр ирмоғи сахро томон оқиб кетмоқда. Баъзан ўткинчи шуҳрат отида дарёдек кўпириб, Ҳақ йўлидан тойганимиздан ғофил қолиб, кимлар билан дунё, бошқаси билан шуҳрату мансаб талашиб умр йўли паймона сари шошиб кетмоқда. Ўтган ҳар дамимиз, билиб-бilmай босган ножӯя қадамларимиз, хайрли, аламли, эзгу ва уятли ишларимиз билан ҳаёт карвони манзил сари юришда давом этмоқда. Кексаликдан элчи бўлиб оғриқ, ғам-қайғу, хотирасилик вужуд девори оша мўралайди. Болага ўхшаб тантик, инжиқ бўлиб бораётганимиздан хижолатга тушамиз, манзил яқин, “Мендан нима қоляпти?” деган ташвишли саволдан кўнглимиз алағда. Эй дўстлар, умр шоми эшигимизни қоқмоқда. Эссиз, эссиз болалик саодатини ортда қолдириб бешафқат ва донишманд вақт изми ила умр ўтиб бормоқда.

Неъматжон Қулабуллаев
(1930-2002)

Фото Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари 416 бет

СҮЗЛАНГ

Ўткир Рашид газали

*Неъматжон Қулабдуллаев
иҗросида*

Келинг дўстлар униб ўсган қадрдан хонадан сўзланг,
Палак отган шу гулшандা азиз ҳамхонадан сўзланг.

Бу кўркам хонадон ободлиги, кўрки, чароғбони,
Падар бузрук бошингиз устида парвонадан сўзланг.

Ичирган сут ила сизга ширин меҳру гиёсини,
Жигарбанди мадори ул табаррук онадан сўзланг.

Муҳаббат ғунчасин ёди куйида армуғон этган,
Уйингизнинг гулию булбули жононадан сўзланг.

Толиқтирмас қанотингиз, ўчирмас асло отингиз,
Фарзанд бу бой бисотингиз, зурёд дурдонадан сўзланг.

Ёруғ офтоб бўлиб бу хонадонга нур ҳаёт берган,
Бу хур даврон ва бу даврон элу мардонадан сўзланг.

Шарҳ: Сўзланг



Келинг, эй дўстлар, ўзингиз ўсиб-улғайган қадрдан оиласиздан сўзланг. Сизни тарбиялаб вояга етказган ота-онангиз, биродарларингизнинг шаънини улугланг. Хонадоннинг суюнган тоғи, йўл кўрсатувчи чароғбони Падарнинг хурматини бошингиз устига

кўйинг. Зеро, у бошингизда парвона, дардингизга ҳамдард, маслаҳатгўйингиздир. Сўнг оқ сути ва меҳри билан парваришлаган мушфиқ онангиз пойини тавоф қилинг. Сизга муҳаббати ва умрини бахш этган вафоли ёрингиз ҳам илтифотингиздан бенасиб қолмасин. Фарзандингиз сизнинг бахтингиз, дунё ва охиратда топгувчи иззатингиздир. Уларнинг бахти йўлида босган ҳар қадамингиз айни саводир. Хонадонингизга шу қадар нур берган, хур даврон неъмати билан сизни сийлаган тақдир Соҳибига шукроналар келтириング.

РОЗИМАН

*Пўлат Мўмин
газали*

*Неъматжон Қулабдулаев
ижросида*

Майли жоним ишқ йўлида айла фармон розиман,
Сен билан умрим бўйи сурмакка даврон розиман.

Мен гўзалмасман дема, сенсан менинг учун энг гўзал,
Сенга қалбимни мудом этмакка эҳсон розиман.

Бир тиканинг захри деб гулдан кечувчи мен эмас,
Чин муҳаббат боғига бўлмакка боғбон розиман.



Ногоҳон ҳижрон хужум этса висол бўстонига,
Кўкрагим қалқон қилиб турмакка посбон розиман.

Бир ширин ошён қуриб, тотсак бу ёшлик завқини,
Санъатинг булбул мисол қуйлашга жонон розиман.

Икки қўнгил розилик бергач вафо қўйлар мудом,
Кел уйимнинг тўрига, бўлмакка мезбон розиман.

Шарҳ: Розиман

Майлига, жоним ишқ йўлида қурбон бўлсин. Эй ёри ҳалолим, сен билан абадий даврон суриш мен учун бахтдир. Ўзингни хокисорлик нурлари билан безаб “Мен гўзалмасман”, демагин. Сенинг латиф қалбинг учун ўзимни эҳсон қилишга ҳам розиман. Тикан захридан кўрқиб гулдан кечалиганлардан эмасман. Муҳаббатим чин, мен бу

боғнинг баҳорини ҳам, ёзу қишини ҳам бирдек севиб парваришилайдиган боғбониман. Агар бу висол бўстонига ҳажр қўшини босиб келадиган бўлса, уни қўкрагим қалқон этиб ҳимоялашга ҳозирман. Шу гулбоғда тотган ширин дамларимизнинг ҳар лаҳзасини достон этсам арзиди. Икки дил ризолиги билан қурилган ошиёндан саодатлироқ манзил бўлмас. Мен шу ошённинг мезбони, унинг тўри эса сеникидир.

ЮМ КЎЗИНГНИ...

*Рустам Турсунов
шеъри*

Юм кўзингни ширин жоним ухла-ухлагин,
Бахтимга сен соғ бўл доим ухла-ухлагин.
Юм кўзингни, юлдузингни ухла-ухлагин,
Бахтиёр кўрдим ўзингни ухла-ухлагин.


Ором олгин менинг севгилим,
Гулшанларда очилган гулим,
Хуршид каби сулув қизсан, ухла-ухлагин.
Бахтим ёритган юлдузсан, ухла-ухлагин.

Ором олгин менинг севгилим,
Бўйларингдан ўргилай ўзим.

Ҳаётимнинг тожидирсан, ухла-ухлагин,
Умримнинг ривожидирсан, ухла-ухлагин.
Ҳаёлим-да сенга ҳамдам ухла-ухлагин,
Ором олгин сулув эркам, ухла-ухлагин.

Ором олгин менинг севгилим,
Сенинг бирла ёришгай дилим.
Номинг куйлаб чарчамас тилим,
Ором олгин менинг севгилим.

*Рустам қори Турсунов
ижросида*



Шарҳ: Юм кўзингни...

Эй жонимнинг роҳати кўзларингни юм, ором ол. Бахтимга сен доимо соғ-саломат бўлгин. Юлдуз кўзларингни юмгин-ки, сенинг баҳтиёр қиёфанд менинг ҳам баҳтимдир. Сен ҳаётим мазмуни, кўнглим гулшанида очилган гулсан. Сенинг юзингдаги покиза нурдан қуёш ҳам уялиб, чиқишга ботинмайди. Менинг қоронғу йўлимни ёритган ҳам ўша нур бўлади. Сен ҳаётимнинг тожи, умримнинг мазмунидирсан. Бутун борлиғим, ҳатто хаёлим ҳам сен билан. Сен ором олсанг кўнглим ором олади. Сени куйлашдан тилим асло чарчамайди.

ОГРИМАЙ ЖОНИ

Хувайдо газали

*Рустам қори Турсунов
ижросида*

Оғримай жони, на билсун ул киши жон қадрини,
Дарди йўқ, бедард на билсун дардмандон қадрини.

Қадри гулни булбули шайдо билур ҳар навбаҳор,
На билур зоғу зағон гул бирла бўстон қадрини.

Мақсадин ҳосил қилолмас bemashaққат ҳеч киши,
Токи чекмай очликни на билур нон қадрини.

Халқ аро кўп сўзлама, сақла ўзингни, билмоғин
Тез оғизлик қилмағил, билғил сухандон қадрини.

Гунча кўп оғзини очқач, боғда қўймай уздилар,
Оғзини очмасликда билди боғбон қадрини.

Ҳар қаю билмас, Хувайдо, қадри дарди ишқин,
Оре билмас сагмагаслар шаккаристон қадрини.



Шарҳ: Оғримай жони

Жони оғримаган бедард жон қадрини қайдан ҳам билсин? Кўнгли илоҳий ишқ савдосидан алағда, хажр йўлида ўртаниб адо бўлаёзган ошиқнинг ҳолини ғофил кимса ҳеч замонда англағанми? Илло, баҳор чехрасига кўрк бўлмиш гул қадрини унга шайдо булбулдан бошқалар чукур

англолмайди. Ахир қайси замонда зоғу-захчалар бўстон қадрини билган. Машаққат ва изтиробсиз мақсад сира ҳосил бўлмас. “Жон куйдирмасанг жонона қайда, тоққа чиқмасанг дўлона қайда”, деган ҳикматни халқ бехудага айтмаган. Нон қадрини ҳам очлик тамини татиб қўрганлар билади. Гап биламан деб дуч келган жойда оғиз кўпиртираверма. Ўзингни ҳам, сўзингни ҳам қадрини билгин. Санамай саккиз демагинки, сендан кўра юз чандон ақллироқ, улуғроқ кимсалар сўзингга гувоҳ бўлиб, устингдан қулиб ўтиришган бўлмасин тағин. Зотан, ҳикматли сўз ҳам бетайин кимса тилидан чиқишига ор қиласди. Ғунча ҳадеб оғзини очавергани учун бошидан жудо бўлди. Жимгина ишини қилиб юрган боғбон ҳикматини жуда кеч англади. Эй Ҳувайдо, ишқ дардининг ўз дардшунослари бор. Таъмбильмаслардан шакар таъмини сўрашдан не фойда.

НЕЧУК ЖОНМАН

Рожий газали

*Салоҳиддин Азизбоев
ижросида*

Нечук жонман, паришонман, сарафroz айби нуқсонман,
Ёмонман, йўлдин озганман, нечундирким мусулмонман.



Ўтиб кетди моҳу солим, оқарди сочу соқолим,
На кечгай, билмадим ҳолим, бу ҳолимдан паришонман.

Азиз умримни ўтказдим гуноҳлар дафтарин ёздим,
Маосий даштида қолдим, тополмай йўлни, ҳайронман.

Ўғил-қизлар қиёматда қочар, мазмуни – оятда,
Алар деб мен ҳалокатда, жаҳоний расво инсонман.

Бу ғам даштида ёнганман гуноҳи лойга ботганман,
Худони мен унутганман, на инсонман на ҳайвонман.

Бу дунёни вафоси йўқ, туарга муддаоси йўқ,
Ўлим ҳақдур, давоси йўқ, мане бир лаҳза меҳмонман.

Шарҳ: Нечук жонман

Мен қандай инсонманки, ботиним паришон, жисми жоним айбу нуқсонга тўла. Тўғри йўлни қўйиб, ножоиз сўқмоқлардан юраман, қиласи имим ёмонлик – бунча гуноҳларни елкамга ортиб яна мусулмонлик ҳам даъво қиласман. Шун зайлда йил ва ойларимни бир-бир бой беряпман. Соч-соқолимга оқ тушди. Хазон фасли ҳам кўз очиб юмгунча келиб қолди. Шу

қадар йўлдан озганимни англаб, энди ҳолим нима кечишини билмай ҳайронман. Ғанимат қилиб берилган тўрт кунлик умримни гуноҳлар дафтарини тўлдириш билан ўтказдим. Бугун эса ҳеч бир яхшилик уруғи унмайдиган қакроқ чўлда йўлсизликдан оҳ-нола чекаман. Дунё ҳаётида орттирганим фарзандлар Қиёмат кунида мендан қочади, менинг зараримга гувоҳлик беради – бунинг мазмuni Қуръон оятларидан маълум. Бу дунёда мағурурлангани фарзанд неъмати у дунёда ҳалокатига сабаб бўлгувчи расво бир одамман. Гуноҳ ботқоги бўғзимгача тутган, Худони унутган бир бандаман, ҳолим ўзимга аён – мен на инсон, на бир жонивор, ғам сахросининг бадбаҳт бир фуқаросиман. Бу дунёда вафо мевасидан асар йўқ. Унда ўтган бесамар умрдан кўра аччикроқ мева бўлмас. Илло, ўлим шу қадар барҳақ неъматки, унда бир лаҳза қўниб ўтувчи меҳмонларнинг ҳеч бири бу дарднинг давосини топа олмаслар.

СҮЙЛАТГИЛ МЕНИ

Маҳмуд Тоир шеъри

*Салоҳиддин Азизбоев
иҷросида*


Қорнини ўйлаган нафсини сийлар,
Қадрига йиғлаган дорда ҳақ сўйлар.
Иймонли қоматин яхшига бўйлар,
Дил берсанг булбулдек куйлатгил мени,
Тил берсанг ҳақ йўлда сўйлатгил мени.

Йигитнинг олмоси ор бўлсин Эгам,
Сўзида салмоғи бор бўлсин Эгам,
Ҳам яна назаринг ёр бўлсин Эгам,
Дил берсанг булбулдек куйлатгил мени,
Тил берсанг ҳақ йўлда сўйлатгил мени.

Гуноҳи гуллаган қулман қилма ор,
Жисмимда жон деган омонатинг бор,
Ўзингга етгунча ё Парвардигор,
Дил берсанг булбулдек куйлатгил мени,
Тил берсанг ҳақ йўлда сўйлатгил мени.



Шарҳ: Ҳақ йўлда сўйлатгил...



Турмушни қорин ғамидан иборат деб билганлар, нафсининг қули, унинг хизматида ҳаёт неъматини исроф қилгувчилардир. Ўзининг асл вазифасини англаған одам дор остида ҳам ҳақ сўзни сўйлайди. Кимда иймон бўлса яхшиларга эргашади, олчоқ, ёмон ниятли кимсалардан нари қочади. Эй Оллоҳим, дилимни покиза, булбул навосила лиммолим қилгин. Менга берган тилингни фақат ҳақ сўзни сўйловчи қил. Йигитнинг оридан айирма. Сўзлаган сўзида турадиган, ваъдасида устивор, ёлғонлардан бегона қил, ё Эгам. Раҳмат назарингдан айирма. Шундай бандаларинг қаторида менга ҳам булбулдек куйловчи дил, Сенинг ҳақиқатингни сўзловчи тил бергин. Ўзимнинг нақадар гуноҳкор бир қул эканимни биламан. Жоним Сенинг омонатинг эканидан ҳам ғофил эмасман.

Хузурингга бормасимдан Сени ёд этувчи дил, Исминг зикр қилгувчи тил бергин, ё қодир Эгам!

(уйда расмли афишиаси бор)

Аҳмаджон Дадаев 1957 йилда Тошкент вилояти Паркент туманида туғилган. 1964-72 йилларда Ҳамза номидаги 4-ўрта мактабни, 1972-76 йилларда эса Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини тутатган. 1976-81 йилларда Тошкент Давлат консерваториясида ўқиган. 1979-2004 йилларда Ўзтелерадиокомпаниясининг Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблида созанда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1999). II Республика мақом ижрочилари танловида (1986) биринчи ўринни эгаллаган. Г.И.Пинхасов, С.Тўхтасинов, М. Мухамедов, С.Каримов, М.Тошмуҳамедов, Р. Маликов, Б.Отаевлардан Санъат сирларини ўрганганд. У моҳир созанда, хонанда ва бастакор.

Эстрада санъати китоби обложкаси фото

МЕҲНАТ БИЛАН

Уйғун газали

Аҳмаджон Дадаев
ижросида

Кимки баҳт ахтарса бўлгай баҳтиёр меҳнат билан,
Бўлмагай оламда ҳеч ким хору зор меҳнат билан.

Кимки меҳнат қилса иззат кўргуси ўз халқидан,
Эл аро топгай муқаррар эътибор меҳнат билан.

Юксалар юксакка меҳнат бирла шону шуҳратинг,
Бўлғуси тотли ҳаётинг беғубор меҳнат билан.

Парвариш меҳнат билан яшнайди боғу роғимиз,
Айланур олтинга чексиз пахтазор меҳнат билан.

Йўлни тўсса бераҳм ёв, йўлда учраб қолса ғов,
Бўлғуси ер бирла яксон тор-мор меҳнат билан.

Кеча-кундуз тўхтамай ижод этар халқи учун
Шоир Уйғун шоду хуррам баҳтиёр меҳнат билан.



Шарҳ: Мехнат билан

Баҳтнинг булоғи, яхшилик ниҳолининг уруғи, ёмонлик ва хор-зорлик, ёвузлик ва бузғунчилик кушандаси ҳалол меҳнатдир. Меҳнат қилган одам ҳурмат-эътибор, савоб топади. Халқ ўз қасбининг устаси бўлган одамни бошига кўтаради, давраларининг тўрини унга бўшатиб беради. Меҳнат билан топилган шон-шуҳрат кибр ва манманликка эмас, эзгуликка хизмат қиласи. Меҳнат кишисининг шуҳрати камтарлик ва ҳалолликка йўғрилган бўлади. Меҳнатидан роҳат топиб кун кечирган инсоннинг турмушида маъно, тоттаъм бўлади. Зотан, меҳнатнинг орқасидан қақроқ чўллар боғ-роғга айланади. Буғдой, пахта каби элни тўйдирадиган, кийинтирадиган ўсимликлар гуллаб-яшнайди. Ватан ёв таҳди迪 остида қолганда ҳам уни ер билан яксон қилгувчи меҳнатдир.

Шоир Уйғуннинг шиори ҳалол меҳнат, илҳом ва ижод билан халқ меҳрини қозонишидир. Унинг шодлиги ҳам меҳнат биландир.

ЙИРОҚ БҮЛ ҲАСРАТДАН

Абдулла Орипов
шөъри

Аҳмаджон Дадаев
ижросида

Йироқ бүл ҳасратдан, мунгдан кўз ёшдан,
Шаънингга отилган таънадан, тошдан.
Мағрур турсанг агар “мағрур” дегайлар,
Мутеълик изларлар феъли юввошдан.


Юпанч тополдингми дунёга келиб,
Устоз ё шогирддан, ёки тенгдошдан.
Қашкир тўдасида қолған бир отсан,
Туёғинг синмаса басдир, бардошдан.

Фақат муҳаббатга топингин эй қалб,
Сен меҳр кўргайсан ўшал қуёшдан.
Ахир боболар ҳам демишлар қадим:
“Муҳаббат яратган дунёни бошдан”.



Шарҳ: Йироқ бүл ҳасратдан...

Ўзингни қайгу ва ҳасрат, изтироб ва кўз ёшдан йироқ тут. Шаънинг булғаш учун отилган маломат тошлирига зинҳор хушёр боқ. Одамларнинг феъли шундайки, агар ўзингни мағрур тутсанг, такаббур дейишади. Камтарин бўлсанг кўрқоқча чиқариб қўядилар. Эй инсон, дунёга келиб шогирду устоз, дўсту қариндош, қари-ю ёшдан ҳаёт мазмуни тўғрисида юпанч бўларлик бир сўз эшилдингми? Гўё қашқирлар тўдаси атрофингда доира ҳосил қилган, сени емоқ қасдида тиш қайрашади. Ёлғиз туёғинг билан минглаб ваҳший тишлиарни синдиришга бардошинг етармикан? Шундай экан, эй қалбим, фақат ва фақат муҳаббатга топингин. Зеро, ишқ меҳр булоғидир. Ахир қадим аждодлар ҳам айтишган-ку “Дунё муҳаббатдан яралган!”



ДҮСТ АҲБОБИ БИЛАН

*Собир Абдулла
газали*

*Хайрулла Лутфуллаев
ижросида*

Хуш кечар умрим менинг чин дўсту аҳбоби билан,
Дўсту аҳбобим азиз ахлоқу одоби билан.

Дўсту ошносиз гўзал боғу чамани не қилай,
Завқсиз ўтгай куним, бор айш асбоби билан.


Топмасанг бир яхши дўст, бедўст ўтган яхшироқ,
Бўлма дўст ҳаргиз кишининг кўнгли қаллоби билан.

Бўлмагай хурсандлигим бедўсту ўртоқ боғ аро,
Базм агар бошланса ҳам Хайём майи ноби билан.

Ёт агар қўй сўйса ҳам йўлингга, Собир, бормаким,
Дўст ила сухбатни туз ёвфони, ардоби билан.



Шарҳ: **Дўст аҳбоби билан**



Яхши дўстлар дийдори асл талабимдир. Чин дўст умрнинг безаги бўлса не тонг. Эзгу хулқ сохиблари билан дўстлашмоқ қандай саодат. Аммо дўст-ёрларсиз ҳаёт инсонга татирмиди? Бундай умрни умр деб бўладими? Яхши дўст топмоқ ҳа осон иш эмас. Қаллобу ичқора дўстдан кўра дўстсиз қолган аълороқ. Қайғу кунларида қочгани каби, хиёнаткор дўст билан ёруғ кунларинг ҳам зулмат бўлар. Шодлик базми нақадар ҳашаматли бўлмасин, чин дўст келмагунга қадар базмга ўхшамас. Эй Собир, оёғинг остига қўйлар сўйиб иззат қилган ёлғон дўстдан, асл аҳбобнинг ёлғон шўрваси афзал эканини унутма.

ЧИН ОДАМЛИК ҲУСНИДАН

*Пўлат Мўмин
газали*

*Хайрулла Лутфуллаев
ижросида*

Менга кўнглим сўзлагин дер, чин одамлик ҳуснидан,
Мард одам кечмас, қийин кунда ҳақиқий дўстидан.

Ёшлигингда илму фанни қадрига ет, вактидур
Ундирасан, меҳнатингла гулни тупроқ остидан.


Қанчалик эл мақтаса, сен доимо бўл камтарин,
Кулма асло сен ҳаётда ногиронлар устидан.

Бе такаллуф тўрга чиқма, паст тушарсан шунчалик,
Тоза виждан ҳар қаерда сўзлагай гап ростидан.

Сидқидилдан, эй Мўмин, юрт хизматига боғла бел,
Яхши посбон тоймасин йўлнинг баланду пастидан.



Шарҳ: **Чин одамлик ҳуснидан**



Комил иймонли қалб, чин одамлик мезонидан сўзла дейди. Зеро, чин инсоннинг ҳусни унинг иймонидир. Чин инсон дунё қутқусига учеб ҳақиқий дўстидан кечмайди. Эй фарзанд ёшлигингда илм-хунар қадрини баланд тутгин. Ҳунар ва илм билан тупроқдан гул, янтоқдан бол ундирасан. Сени мободо бирорлар мақтаса, гердайиб кетма. Кўнгли нам, ногирон кимсаларга шафқатда, ҳурматда бўл. Чақирилмаган жойга борма, борган жойингда ўрнингни билиб ўтири. Илло, иззатини билмаган нодон эл ичра хорлик топар. Рост сўз, тоза виждан мудом ёринг бўлсинки, асл ҳурмат шундадир. Эй Мўмин, элингга сидқ ила хизматда бўл. Зотан, яхши йўловчининг назари қадамда бўлур.

Дүст

.....

*Хайрулла Лутфуллаев
ижросида*

Зокиржон Султонов



БАЁТ III

Муқимий мухаммаси

*Зокиржон Султонов
ижросида*

Эй табиб, боқма, бу дардим бедаволардин бири,
Ранги зардим кўру кўрма, қаҳраболардин бири,
Рўзғорим тийра, мен баҳти қаролардин бири,
Оҳқим, ҳолимни сўрмас ошнолардин бири,
Ошнолар балки хешу ақраболардин бири.

Қайси бир истак баёни ошкор айлайнин,
Қайси дардимни дегай ҳар кимга даъво айлайнин,
Қайга мен бошим уриб ҳам қайди ғавғо айлайнин,
Қайси бу лутфу карамларга таманно айлайнин,
Бўлмади ҳаргиз мұяссар муддаолардан бири.

Ёр васлила оқаргай ўзгалар шоми Муқим,
Ёр илги бирла тўлгай ўзгалар жоми Муқим,
Ёр оғзида нетайким ўзгалар номи Муқим,
Мен заҳар ичсам асалдур ўзгалар коми Муқим,
Бўлмади ҳосил қилинган илтижолардин бири.



Шарҳ: Эй табиб...

Эй табиб дардимга даво топаман деб бехуда уринма, бу дардим бедаводирки, ҳеч бир малҳам, ҳеч бир муолажа билан уни тузатиб бўлмас. Рангимнинг сариғини кўриб сенга таниш бирор дардdir деб ҳам ўзингни алдама. Менинг дардим ичимда. Куним ғам-қайғу билан ўтади, оламда мендек баҳтиқаро одам йўқдир. Нетайки, дўстларим ҳам ҳолимга парвосиз, бири-да кайфиятимни, дардим боисини сўрамайди. Ошноларку майли, ҳатто яқин қариндошларим ҳам мендан ҳол сўрамайдилар. Қайси бир армонимни ошкор этай. Қайси дардимни айтиб, кимга даъво қиласай. Ғариди бошимни қайси деворга урай-ю, қайга бориб ғавғо кўтарай. Кимнинг лутфи карамидан умид боғлай. Шу кунгача қайси муддаойим ҳосил бўлди-ю, энди буниси ҳосил бўлса? Эй Муқимий, ёр васли мұяссар бўлиб, бошқаларнинг шоми ёришди, бўш жомларига умид майлари тўлди, во дарифким ёр оғзида ҳам ўшаларнинг номи такрорланаётганини эшийтдим. Мен заҳру қотил ичиб ўлимимни кутсан, ўзгаларнинг топгани асалдир. Ҳамманинг муроди ҳосил бўлди-ю, Муқимиининг бирор илтижоси амалга ошмади.

ИШҚ

*Собир Абдулла
газали*

*Зокиржон Султонов
ижросида*

Сигмагай дилга диёрим ишқидан бегона ишқ,
Қилди қўнглимни Ватан, бу жон билан ҳамхона ишқ.

Дўстлар ошиқлигим Мажнунга ўхшатманг бу кун,
Тенг эмас ким бу мени ишқимга у афсона ишқ.

Бу менинг ишқимдану ўйнар висол айёмида,
У эди ўтмишда нурсиз шон учун парвона ишқ.


Хур замон ишқидаю доғу ҳижрону жафо,
Ишқ билан тўлган замона куйлар қона-қона ишқ.

Шу замон ишқи ҳақи кўнгул тўла меҳру вафо,
Мен бу меҳру вафо дўстона ишқ, мардона ишқ.

Шавқу завқ тўлган кўнгулни этса дор ишқи Ватан,
Бу улуғ баҳтдирки, Собир, сен учун жонона ишқ.



Шарҳ: Ишқ



Кўнглимга Ватан ишқидан бегона ишқ сиғмас. Зеро, Ватаним кўнглимда жон билан бир мақомда туради. Дўстларим, менинг Ватанга ошиқлигимни Мажнун ишқига ўхшата кўрманг. У ишқ оламида афсона бўлган девона мен билан тенг бўлармиди. Менинг ишқим висол айёмини байрам қилмоқда. Мажнун эса ўтмишда қолди. Хур замон ишқида кечирилган ҳижрон доғи ишқ билан тўлган замонда ювилиб кетади. Шу замон ишқи ҳаққи ҳурмати кўнгил меҳр-вафо билан лиммо-лим. Унинг ёнида эса дўстлик, мардоналик камарбаста. Шавқу завқа тўлган бу кўнгилни Ватан ишқи йўлида қурбон бериш керак бўлса, билингки, Собир учун бундан ортиқ баҳт йўқдир.

Шухрат Ҳошимов

Шухрат Қаххор “Ҳеч кима маълум эмас” Зар қалам н. Т.: 2006

Китоб орқасидан Фото қўйилади.

Жамол Камол Фотоси Сувайдо китобида.

ОҚИБАТ

Маираб
газали

Шұхрат Хошимов
ижросида

Найлайн, дилдордин бегона бўлдум оқибат,
Юз ғаму ҳасрат билан ҳамхона бўлдум оқибат.

Бул жудолиг ҳасратидин тоқат этмай бир замон,
Ҳажр жомидин ичиб мастона бўлдум оқибат.

Неча йил кўйида юрдум, етмадим васлига ҳеч,
Ҳажр хамридин ичиб девона бўлдум оқибат.


Ёрнинг васлиға етгайманму деб шому сахар,
Ўртаниб ҳажр ўтида парвона бўлдум оқибат.

Ҳаддин ошди бул манинг расволигим олам аро,
Халқи олам ичра кўп афсона бўлдум оқибат.

Хонақову Каъбадин, Машраб, мурода етмадим,
Май ичибон сокини бутхона бўлдум оқибат.



Шарҳ: Оқибат



Не қилайки, Ҳак жамолидан бегона бўлдим. Оқибатда юз ғам, ҳасрату фифон балан ҳамхона бўлдим. Бундай ҳижрон ғамига тоқат қилолмадим. Энди ғамларимни ибодату илтижолар, дуолар билан ювишдан ўзга чорам йўқ. Неча йиллар Ёр ҳажрида куйдим, югуриб-елдим. Висол насиб этмагач, ҳижрон аламидан девона бўлдим. Унинг васли насиб этармикан деб шомдан тонггача парвонадек бедорликни шиор қилдим. Унинг куида куйиб-ёнишим, девонавашилигим ҳаддан ошди. Оқибат олам аро афсона бўлдим. Хонақоҳга танда қўйиш, Каъба зиёратига бориш ҳам висол аламини юва олмади. Оқибат шу бўлдики, Машраб ибодатлари, дуо ва илтижолари билан узлат диёрини ихтиёр этди.

УМИД

Жамол Камол шеъри

Олам ичра кимга еру
Кимга осмондир умид,
Кимга оламдек муқаррар,
Кимга армондир умид.

Бу ҳаёт уммони кенгdir,
Кенг умидлар баҳри ҳам,
Кимга имкон, кимга даврон,
Кимга түfёндир умид.

Үйла, жон берди Улуғбек,
Қон тутар душманни лек,
Занглаған эгри қиличга
Сағраган қондир умид.

Шамси анвардир тилим, деб
Элга келтирди имон –
Ул Навоийким, башарга
Нури иймондир умид.

Сен умидга банда бўлма,
Сен умидлар шоҳи бўл,
Кексалар дер: гоҳи Раҳмон,
Гоҳи шайтондир умид,


Кимга қатра, кимга денгиз,
Кимга бир дунё қадар,
Ким учун оғриқли тандин
Чиқмаган жондир умид.

Шарҳ: Умид

Бу олам ичра ким ерда тинчгина яшаб юришни умид қилади. Бошқа бирор осмонларга учмоқни хохлайди. Кимгадир умид олам каби барқарор бўлиб туюлади, бошқа бирорга умиднинг ўзи-да армондир. Ҳаёт бир уммон. Унда сон-саноқсиз умидлар денгизи мавж уради. Умид деганлари эса кимга имкон кимга даврон, ким учундир түfёндир. Ўтмишда Улуғбекнинг жонига қасд қилдилар. Унинг хуни қотилларни ҳалок этди. Умид шунчалар серрангки, баъзан у занглаған эгри қиличга сачрамиш қон тусини олади. Она тилини порлоқ бир қуёш дея улуғлаган Навоий эл қалбидаги нури иймонга бўлган умиддир. Эй инсон, сен умидларингнинг қули бўлма, балки шоҳи бўл. Кексаларнинг ҳикматларига кўра, умид деганлари баъзан Оллоҳдан бўлса, гоҳо шайтондандир. Кимгадир қатра, кимгадир денгиз, бошқа бирорда дунёга teng умид иштиёқи яширин. Ким учундир заиф ва бемор танасидан чиқмаган жони умиддир.

Шуҳрат Хошимов

ижросида



Мансур Мамиров

Ижоди ҳақида уйдаги папкада бор.

Фото ?

ЭТМАЗМИДИМ

Фузулий газали

*Мансур Мамиров
ижросида*

Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмазмидим?
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмазмидим?

Лаҳза-лаҳза суратинг кўрсайдим, ул ширин лабинг,
Сан киби эй Бесутун, ман ҳам қарор этмазмидим?


Ул гули хандони кўрмак мумкин ўлсайди манга
Сантак, эй булбул, гулистона гузор этмазмидим?

Дардими оламда пинҳон тутдиғим ночордур,
Учросайдим, бир табиба ошкор этмазмидим?

Эй Фузулий, доғи ҳижрон ила ёнмиш кўнглими,
Лолалар очсади, сайри лолазор этмазмидим?



Шарҳ: Этмазмидим



Мен мажнунга ақл битса эди ёрга бўлган муҳаббатимдан воз кечиб, рисоладагидек яшамасмидим? Ихтиёrim ўзимда бўлганида роҳатни ихтиёр қилмасмидим? Сени бир лаҳзагина кўрмоқ баҳти менга мұяссар бўлса эди, мен ҳам Бесутун тоғини макон тутмасмидим. У гул хандонини кўрмоқ баҳти насиб этса, эй булбул, мен ҳам сен каби гулистонни гузар этмасмидим. Дардимни бутун оламдан сир сақлашга ночорман. Қани бир яхши табиб учраса-ю, дардимни ошкор этсам. Эй Фузулий, ҳижрон тифидан қонталаш бўлган бу кўнглим лолазор каби очилса(яни ундан лаҳталаб қон окса), лолазор сайрини ихтиёр қилмасмидим.

САЙЁРАЛАР

Алишер Навоий газали

*Мансур Мамиров
ижеросида*

Не ажаб, ҳар ён мане мажнун бошида ёралар,
Баски ёғди устига атфол элидан хоралар.

Оразинг атрофида гулдур кўрунган, эй пари,
Ё қамар даврида саф тортибдуур сайёralар?

Ҳар қуюн гўёки бир саргашта ошиқ гардидур,
Баски, туфроғ ўлди ишқинг даштида овворалар.


Анда Мажнун – мен, буён Лайли – сен этгач ижтимоъ;
Бир тараф девоналар, бир ён пари руҳсоралар.

Эй Навоий, ишқ аро ўлмақдин ўзга чора йўқ,
Бас, ғалат бўлғай демак ушшоқни бечоралар.



Шарҳ: Не ажаб

Не ажабки, мен телба бошининг соғ жойи қолмади. Мен талбани мазахлаб гўдаклар отган тош бу бошни тамом абгор қилди. Эй пари, юзинг атрофини эгаллаган гулларми ёки буни ой атрофида доира ясаб айланётган сайёralар дейинми? Замин узра эсаётган ҳар қуюн гўёки бир саргаштай саргандон ошиқ қадамлари остидан чиқаётган чанг бўронидир. Баски ишқинг даштида овора бўмиш ошиқларнинг барчаси тупроққа айланди. Бир томонда менга ўхшаш мажнунлар, бошқа томон сен сингари лайлилар йифилди – издиҳомнинг бир қирғонини жиннилар, бошқа қирғонини эса паривашлар эгаллади. Эй Навоий, бундай улуғ ишқнинг интиҳоси фақат ўлим бўлиши мумкин. Шундай экан, ошиқларни бечора дейиш ғалатдир.



Лугат

Атфол	– гўдаклар
Хора	– тош.
Қамар	– ой.
Гард	– чанг, ғубор.
Ижтимоъ	– тўпланиш,
Ушшоқ	– ошиқлар.

Жүрабек Набиев

Мақомот 335 беттаң қаранг!

Самарқанд ушшоғи
(Бунда)

ҚУДРАТ БИРЛАН...

Аҳмад Яссавий
хикматлари

Жүрабек Набиев
ижросида


Құдрат бирлан фармон қилди Мавлом бизга,
Ерда, күкда жонлиқ махлук қолмас эрмиш.
Қобиз қилди Азроилни олам узра,
Азиз жонни олмағунча қўймас эрмиш.

Ёшим мени ёш бўлур деб айтур эрдим,
Ҳар на ҳосил бўлса оз деб айтур эрдим,
Турлук-турлук даъво ишлар қилур эрдим,
Эмди билдим, мен айтгандек бўлмас эрмиш.

Дунё мени мулкум деган султонларға,
Оlam молин сонсиз йиғиб олғанларға,
Айшу ишрат бирла машғул бўлғанларға,
Ўлум келса бири вафо қилмас эрмиш.

Мағрур бўлманг, эй дўстларим, ишрат этиб,
Кеча-кундуз ёлғон айтиб, бехуд ётиб,
Жон олғувчи келур эрмиш бир кун етиб,
Мундоғ ерда ғофил юрса бўлмас эрмиш.

Қул Хожа Аҳмад, ўларингни билакўргил,
Охиратни яроғини қиласкўргил,
Борурмен деб йўл бошинда юракўргил,
Малак ул-мавт келса фурсат қўймас эрмиш.



Шарҳ: Қудрат бирлан...

Яратган Ҳақ бизга шундай хабар-хукмини юборди: “Тирик жон борки, ажал шарбатини тотгувчидир”. Азроил(а.с.)ни фаришталар ичиде жон олгувчи қилди. Унинг чангалидан бирор кимса омонлик топмайди. Мен ҳам ёшлиқ айёми асло тарқ этмайди, деган хом хаёл билан яшар эдим. Даъвойим катта эди. Ҳамма нарса менини бўлишини истар эдим. Аммо ёш бир жойга бориб қолганда билдимки, менинг айтганим бўлмас экан. Дунё ахлини кузатдим ва бу холосамга янада кўпроқ амин бўлдим. Зотан, дунё мулки ўзимники демиш султонлар, умри мол-дунё йиғиш билан ўтаётганларга, айшишратни шиор этиб, қўрларча умр гаштини сураётганларга дунё вафо қилмас экан. Эй дўстларим, қилган бехуда ишратингизга асло мағрур бўлманг. Ёлғон айтиб дунёйингизни ҳашамат ичра ўтказаётганингизга қувонманг. Ғофил бўлмангки, жон олгувчи фаришта қандай қилиб қаршингизда пайдо бўлганини сезмай қоласиз. Эй қул хожа Аҳмад, ўлим ҳақ эканини бир дақиқа бўлсин хотирингдан чиқарма. Охират тайёрғанлигини кўриб тур. Йўл бошида ҳозир бўл. Илло, Малак ул-мавт фурсатни асло кечиктирмас.

БАЁТ II

Навоий газали

Кўнглума ёр истабон, меҳнат келурни билмадим,
Жонға етмай ул ҳануз офат келурни билмадим.

Суратни кўрмак таманно айлабон, кўрмай ҳануз,
Оллима юз минг ажаб сурат келурни билмадим.

Мен юзин кўрмай ҳануз эл васл этар эрмиш тамаъ,
Кўнглума мундоқ қотиқ ҳолат келурни билмадим.

Кўрмай охир таркин эттим, вахки, мунглуғ жонима,
Васл етмай, жовидон фурқат келурни билмадим.

Ишқ кўйида бало қўп кўрмагин билдим, валек
Ёр таркин тутқучча ғайрат келурни билмадим.

Реш этиб жонимни улким, деди марҳам келтурай,
Марҳам андин ништари ҳасрат келурни билмадим.


Ул рафиқеким анга дедимки, жон айлай туфайл,
Мунча ондин жонима вахшат келурни билмадим.

Кўнглума асҳоб зулми жунбига “во ҳасрато”,
Чарх нешин марҳами роҳат келурни билмадим.

Ишқ шаҳроҳиға кирмакни хаёл этмак била
Оллима юз водийи ҳайрат келурни билмадим.

Эй Навоий, қилмағунча мосиволлоҳ таркини,
Комим ичра журъайи ваҳдат келурни билмадим.

*Абдуқажхор Жалилов
ижросида*



Шарх: Кўнглума ёр истабон...

Ёр висолига талабгор бўлганимда ҳали бу йўлда қанчалар меҳнат ва мاشаққат борлигини билмаган эдим. Бу ишқ жонимни ўртамай туриб, унинг жонимга нақадар улкан оғатлар олиб келишини тасаввур ҳам этмагандим. Оллоҳ жамолини кўриш умиди дунёйимга ғавғо солган бўлса ҳам, орзуйим ҳануз ҳосил бўлганича йўқ. Аммо маккор шайтон кўз ўнгимда турли сувратларни жилвалантириб мени йўлдан оздириш пайида жонимни озорлайди. Мен зор бўлган васл йўлида тама қилганларнинг сон-саноғи йўқ. Валлоҳки, кўнглим бунчалар изтиробларга макон бўлишини билмаган эканман. Висол илинжида сарсонлар сафида қанча йўл юрсам-да, васл менга муяссар бўлмади. Во ажаб, висолсиз фурқат ҳам тақдиримда бор экан-да! Бу ишқ куйида балолар бисёр эканидан воқиф эдим-у, аммо ёрнинг ҳажри ҳам ғайрат беришини билмаган эканман. Ёр жонимни жароҳатлаб “малҳам келтирайми” деб сўраганида бу малҳамнинг бори наштар ва ҳасратдан иборат бўлишини қайдан билибман. Ул дўстга қарата “йўлингда жонимни курбон этай” дейишга дебман-у, жонимни ваҳшатга гирифтор этганимни англамабман. Юрагим ҳамроҳларим зулмидан ҳасратманд. Аммо висоли деб дунёда олган жароҳатларим бир кун келиб жонимга малҳам бўлишини билмабман. Ишқнинг адoқсиз йўлига киришни хаёл этибман-у, бу йўлда қанчалаб ҳайрат водийлари борлигини ўйламабман.

Эй Навоий, Оллоҳдан ўзгасини бутқул тарк этмас экансан, ваҳдат саодатидан умид қилишингда не маъно бор.



СЕГОХ

Хурииид мухаммаси

*Бобораҳим Мирзаев
иҗросида*

Хижрон тифи жафосига жон бўлди бекарор,
Бўлди сирим бутун жаҳон аҳлига ошкор,
Эл этди таъналар билан озори ихтиёр,
Сен ҳам жафоларинг билан этма мени ҳокисор,
Эй кўнглимни этгувчи алам билан хору зор.

Битди фироқ жабрини тортмоққа тоқатим,
Рашк ила мавҳ бўлди қарори ҳаловатим,
Мумдек эгилди ғам юки остида қоматим,
Фикрим сани висолингдир, йўқ ўзга ҳожатим,
Аммо сен ўзга базми билан маству баҳтиёр.



Шарҳ: **Хижрон тифи...**

Хижрон тифи қалбимга шунчалар чуқур ботганки, бу азоб шиддатидан жон чиқишини ҳам, чиқмаслигини ҳам билмасдан бекарор бўлиб қолди. Шу тариқа кўнгил сири ёруғ жаҳонга – дунё аҳлига ошкор этилди. Менинг бундай девонавор ҳолим кўрган эл таъна тошини ёғдиришни ихтиёр этди. Сен ҳам, эй дилозор ёrim, жафоларингни орттириб кўнглимни вайрон этмагин, менга раҳм қил. Фироқ жабридан жони жаҳонимда сабру тоқатдан асар ҳам қолмади. Рашк ўтида куйиб кул бўлдим, жонимни ҳаловат тарк этди. Қоматим ғам оловида мумдек эриди, алиф долга айланди. Ахир менинг бор-йўқ талабим Сенинг висолингдир, бошқа ҳеч нарсага ҳожатим йўқ. Аммо, нетайки, Сенинг илтифотингга эриша олмайман.



ТҮЙ МУБОРАК, АНДИЖОН

Бобораҳим Мирзаев
иҷросида

Андижон жон Андижон,
Пахтага кон Андижон.
Тўй муборак Андижон.

Андижон сийларга жою,
Роҳатижон жон фидою,
Яхши меҳмон келган эса
Нону қаймоқ барча бою.

Нақорат:
Андижон жон Андижон,
Пахтага кон Андижон.
Тўй муборак Андижон.

Андижон мардларнинг ёри,
Оппоқ олтин пахтакори,
Зар кутмоқ орзуси
Қалбидা яшнар баҳори.

Нақорат:
Андижон жон Андижон,
Пахтага кон Андижон.
Тўй муборак Андижон.

Андижонда кўп қаламқош,
Барчаси меҳнатга йўлдош,
Ваъдаси рост қандин урсин,
Чунки Тохир унга йўлдош.

Нақорат:
Андижон жон Андижон,
Пахтага кон Андижон.
Тўй муборак Андижон.



ЭШВОЙ

Халқ сўзи

Муҳиддин қори Ёқубов
ижросида


Мен бўлмишам сизга ҳамдам,
Жонингиздан етар юз ғам.
Гул юзига тушган шабнам,
Дона-дона ҳоллар бўлсин.

Боғ қадрини зоғлар билмас,
Юртдан-юртга ошмагунча.
Ака қадрини ука билмас,
То камола етмагунча.

Уришсанг мард билан уриш,
Номардни қувувчи бўлма.
Ур деганда номард қочар,
Мард юрар майдон ичинда.

Қўшин келур истаб қондан,
Мард йигитлар кечиб жондан.
Беш бир ёндан, ўн бир ёндан,
Мард юрар майдон ичинда.

Қўшин келур раста-растা,
Ясавуллар баланд-пастда.
Уруш бўлур чапандозча,
Мард юрар майдон ичинда



Шарҳ: Мен бўлмишам сизга ҳамдам

Мен сизга доимо содик дўст, дардингизга ҳамдам бўламан. Ғамдан ҳолингиз танг бўлганда ҳамдардингизман. Гул юзингизга тушган шабнам – кўз ёшларингиз ғам нишонаси эмас, рақибларингизни куйдиргувчи дона-дона ҳоллар бўлсин. Боғ қадрини зоғлар билмаслар, чунки донишмандлар “Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ”, дейишади. Қачон улуғ бир неъмат бой берилса, ўшанда қадрини билурлар, аммо унда кеч бўлади. Шунингдек, ҳамма ишда кўмакчиси, барчадан кўра яқинроқ асл дўсти - туғишган аканинг қадрини ука камолат чўққисига етиб, ақли тўлмагунча билмас. Душманинг бўлса ҳам мард бўлсин. Номард нокаслар билан майдонга чиқиб номингга иснод келтирма. Зеро, ур-ҳо ур деганда номардлар қочиб қолишади. Марднинг жойи эса ҳар доим майдон ичидаги бўлади. Агар душман қўшини саф-саф бўлиб қарши тарафдан кўринса, мард йигитлар Ватан йўлида жонларидан кечиб жангга отланадилар. Ҳаммаслақ, ҳамсаф бўлиб жанг қиласидилар. Тумонат қўшин икки тарафдан жон олиб жон берганда, аскарларнинг мурдалари паст-баланд бўлиб майдонни тутганда, уруш шиддати ошиб борганда ҳам мард майдондан қочмайди, Ватани учун жанг қиласиди.

ОМОН ЁР

Халқ сўзи

Нақорат:

Жон укам, андижонлик укам, омон ёр,
Сани ширмон юзингдан, омон ёр.
Жон укам, андижонлик укам, омон ёр,
Сани ширин сўзингдан, омон ёр.

Қизил гул орасида, омон ёр,
Мен сени кўриб қолдим, омон ёр.
Кўрмасам бўлар экан, омон ёр,
Ишқингда куйиб қолдим, омон ёр.

Мен борай кўчанг билан, омон ёр,
Теракзор ичи билан, омон ёр.
Йигит қўли боғлансин, омон ёр,
Қизларнинг нози билан, омон ёр.

Эшик олди гулҳовуз, омон ёр,
Гул тергани келганмиз, омон ёр.
Гулни баҳона қилиб, омон ёр,
Ёр кўргани келганмиз, омон ёр.


Гул очилса на бўлур, омон ёр,
Барг сочилса на бўлур, омон ёр.
Биздан ўтса бир гуноҳ, омон ёр,
Ёр кечирса на бўлур, омон ёр.

Қизил гулинг бўлай мен, омон ёр,
Ҳовучингга тўлай мен, омон ёр.
Ёрим, дея танласанг, омон ёр,
Вафодоринг бўлай мен, омон ёр.

Боққа кирган ўзимман, омон ёр,
Гуллар терган ўзимман, омон ёр.
Сизни гулзорда кўриб, омон ёр,
Кўнгил берган ўзимман, омон ёр.

Ой чиқса, ойдин бўлур, омон ёр,
Кун чиқса, кундуз бўлур, омон ёр.
Бизнинг ёрнинг қошлари, омон ёр,
Телпакка қундуз бўлур, омон ёр.

Муҳиддин қори Ёқубов
ижросида



Толибжон Бадинов

Эҳтиёж

Эй қуёш

ДИЛКАШ ДУТОРИМ

Зоҳиджон Обидов
ишеъри

Эргаш Йўлдошев
ижросида


Куйла дилкаш, куйла дилкаш, дуторим,
Хуморим ёз, хуморим ёз, хуморим.
Қалб садоси бўлиб янгра қўлимда,
Тинглаб ором олсин севикли ёrim.

Ҳамдамим бўл уйқу келмас кечалар,
Интизорлик дафтар очган кечалар.
Ҳар пардада висол чоғин яқин эт,
Эслатур ёр бирга юрган кўчалар.

Дардлашурман бошинг босиб қўксима,
Ёр келганда четда қолиб ўксима.
Ёр кетганда қўлга олсан ўртаниб,
Дилкашим бўл нозланиб сен йўқ дема.



Шарх: Дилкаш дуторим



Эй қалбларга ором берувчи, дилларни хушнуд этувчи дуторим, куйла. Ёрга бўлган хуморимни арит, ҳижрон дардига малҳам бўл. Қалбимдаги сирларни баён этувчи ҳамкорим бўл. Дил розимни тинглаган ёrim барча ташвишларини унутиб ором олсин. Уйқу келмас ҳажр кечаларида мени ёлғиз қўйма, ҳамдард-у ҳамдамим бўл. Интизорлик ҳаддидан ошган, ёрни қўмсаб кўнглимга қил сифмаган кечаларда торларингдан тараалган майин наво билан висол онлари ҳақида куйла. Ёр билан ўтган фараҳбахш дамларни эслат. Сен менинг ягона дардкашимсан. Бошинг кўксимга босиб қўнгил ғамидан сенга шикоят қиласман. Эй дардкаш дуторим, ёр келиб, сендан

бир оз йироқлашиб қолсан мендан ўксима. Ёр кетгач, яна сен билан қоламан. Ўшандада қўлимга олиб сенга роз айтмоқ бўлсан, сен ҳам нозланиб мени интизор этма. Эй дуторим, сен менинг содик дўстим, бир умрлик дардкашимсан.

ҮЙНАБ ҮТИНГ, ШАБОДАЛАР

Султон Құқонбеков шеъри

Эргаи Йұлдошев
ижросида

Дилдор үтар бөг қўйнида
Куйлаб үтинг, шабодалар.
Ер юзи тор ёр кўнглида
Куйлаб үтинг, шабодалар.

Боғ атрофи кенг пахтазор
Ўтса ниҳол қоматли ёр.
Кўйида айтинг ёр-ёр
Ўйнаб үтинг, шабодалар.

Ҳар шона у ёрдан нишон
Парвонаман кўрган замон
Олтинга айлай ошён
Куйлаб үтинг, шабодалар

Дилдор үтар бөг қўйнида
Ўйнаб үтинг, шабодалар
Ер юзи тор ёр кўнглида
Куйлаб үтинг, шабодалар.



Шарҳ: Ўйнаб үтинг, шабодалар

Дилдор бөг аро солланиб үтади. Эй шабодалар унинг жамоли ва латофатини куйлаб үтинг. Ёрнинг шу қадар шашти баланд, шунчалар кўнгли нурафшонки, унинг сайру сайёҳати учун ер юзи торлик қиласи. Бундай ажиб манзарани куйламаслик мумкинми? Шабодалар сиз буни ҳам куйга солингки, бутун дунё эшитсин. Боғнинг атрофи пахта уммони билан безанганди. Агар қомати ниҳол ёр шу ерлардан ўтиб қолса, уни ёр-ёр билан мадҳ этинг. Ёр-ёр оҳангидаги ўзингиз висол рақсими ижро этинг. Пахтанинг ҳар бир чаноги ёр кўнглидаги покизаликдан нишон. Уни кўрган заҳотим бекарор парвонага айланиб қоламан. Бу манзилни олтинистон қиласи деб чарх ураман. Сиз ҳам, эй шабодалар, менинг парвонача рақсимга жўр бўлинг. Дилдор бөг аро ял-ял ёниб үтар, ошиқ кўнгилларга ўт ёқар. Эй шабодалар, бундай базмдан бебахра қолмай десангиз, сиз ҳам ишқ оҳангидаги давра тузинг.

Маҳмуджон Ғофуров

1. Эй севгили диёрим (С.Ярашев.)
2. Эй қуёш.

ЭЙ САБО

Алишер Навоий газали

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йигларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Буки онинг аҳду паймонада мен ўлсам доғи,
Яхши фурсат топсанг ул бадаҳду паймонимға айт.

Буки онинг зулфи зуннорида диним ҳосили,
Куфр ила бўлмиш мубаддал, номуслонимға айт.

Буки қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.

Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
Васлиға бир ваъда қилғандин пушаймонимға айт.


Буки юз минг фитна кўзлук бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум наззора онсиз кўзи фаттонимға айт.

Буки чок айлаб яқо усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб, эл жон топар бебок нодонимға айт.

Даҳр боғи гуллари ҳусни вафосиз эрканин
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хуш наво
Булбули йўқ эрканин шоҳи суҳандонимға айт.

*Саттор Ярашев
ижросида*



ЭЙ СЕВГИЛИ ДИЁРИМ

*Саттор Ярашев
ижросида*

Эй севгили диёрим мен соғиниб зиёда,
Тоғлар ошиб яланғоч, чүллар кезиб пиёда.
Шаънингга қуйладим куй ҳар жилға, ҳар қиёда,
Авжим фалакка етди қуйланг ради фазода.
Ичганда сувларингдан маст эди **?ху?** димоғда.

Боқдим сенга йироқдан, кўзга зиё кўриндинг,
Тортдинг ўзингга, менга оҳанрабо кўриндинг.
Ҳар сабзаси Ватанинг меҳригиё кўриндинг,
Нотоб эдим соғайдим, гўё даво кўриндинг.

Етмас умр қиласга йўл заҳматин ифода,
Қилди яқин йироқни шу бўлди бу иромда.
Учди кўнгил қувончдан рақс этди кенг ҳавода.



Шарх: Эй севгили диёрим

Эй севгилим, она диёрим, сенга бўлган соғинчларим ҳаддан ошди.
Ялонғоч тоғларни кездим, чўлларда яёв дайдидим. Аъмолим шаънингни
куйлаш, сени шарафлаб шеър айтиш бўлди. Авж пардаларда куйлаганимда
овозим фалакларга етди. Фазодан қайтган акс-садолар оламни тутди.
Сувларингдан ичиб маст бўлдим, димоғим фақат ху, яъни У каломини
такрорлади. Сенга йироқлардан боққанимда нур каби порлаб қўриндинг.
Ўзингга мени оҳанрабодек тортдинг. Ҳар бир гиёху майсанг менга меҳригиё
бўлиб қўринди. Бетоб кўнглим ифорингни туйиб соғайди. Дардларимга даво
бўлдинг. Йўл заҳматини айтиб берай десам, бу достон ифодасига умрим
етмайди. Йироқни яқин қилган нарса сенга бўлган муҳаббатим, васлингга
томон интилишим бўлди. Кўнглим қувончдан рақс этиб само сари юксалди.

ЭЙ ПАРИ

*Алишер Навоий
газали*

*Саттор Ярашев
ижросида*

Эй пари, раҳм этки кўнглум зор эрур, бечора ҳам,
Ишқу савдо даштида Мажнун эрур, овора ҳам.

Тандағи пайконлару ашким ёрутмас уйниким,
Дуди оҳимдин қоромиш событу сайёра ҳам.

Захми кўп бағримни тикмак мумкин эрмас, эй рафиқ,
Ким эрур юз пораю мажрух эрур ҳар пора ҳам.

Васли иқболиу мен ҳайҳотким, рухсорини
Тоқатим йўқтур йироқтин қилғали наззора ҳам.

Уйла су қилди бало кўхсорини оҳим ўти,




Ким олиб кўксумга урғунча топилмас хора ҳам.

Чарх макру фитнасидин ғофил ўлманг зинҳор,
Чунки бу шоҳид басе фаттон эрур маккора ҳам.

Телбараб иттим Навоийдек жунун сахросида,
Қилмади ёдимни ҳаргиз бир пари рухсора ҳам.

Шарҳ: Эй пари



Эй пари, кўнглим сенга зор, бечараҳолдир, раҳм этгин. Ишқ савдоси уни Мажнун сингари дашту сахрога улоқтириди, овора қилди. Танам ўқларга тўла. Кўз ёшим ҳам кўнглимга бирор ёруғлик бермас. Оҳим тутунидан бутун коинот қора либос киймиш. Ярадор вужудимни тикиб бутламоқ ҳам асло мумкин эмас. Чунки бағрим юз порагина эмас, балки ҳар бир парчаси мажруҳдир. Унинг висоли умидини қилганим билан рухсори насиб бўлганда ҳам унга назар қилгулек ҳолим йўқ. Ўйлаки, оҳим ўти бало тоғини эритиб, сувга айлантириб юборди. Шу боис кўксимни уриб ёргани тош ҳам топилмайди. Бу дунёнинг макру ҳийласидан ғофил бўлманг, эй биродарлар. Чунки сизнинг амалларингизга шаҳодат бергувчи ҳам, йўлдан ургувчи маккор, ўзига тортувчи жозибали нигоҳ ҳам унинг ўзиdir. Телбавор Навоий жунун сахросида йўқолиб кетдим. Ҳайҳотки, бирор пари рухсор мени ёд-йўқлов қилмади.

Алишер Навоий 2 том “Фан” Т.: 1987 369-370 б.

Суръат Пўлатов

**Фото театр муқимий
Янги энциклопедияда ижоди бор.**

ЯНГРА СОЗИМ

*Пўлат Мўмин
шеъри*

Янгра созим тарат ул кун шўх-шўх наво,
Кулгулар гул ғунчалари кўнглим аро.
Кулмасинму зафар базмин қилса шодон,
Аҳдига ул ўт юраклар айлаб вафо.

Нақорат:
Янгра созим парвоз эт,
Кўнгулларни ҳамроз эт.
Кўнгулким қалби у
Куйла уни эъзоз эт.

Янгра созим куйга тўлсин бу гул диёр,

*Суръат Пўлатов
ижросида*



Чехраларда ханда рақси, дил бегубор.
Дўст ёрлар зафар базмин даврасида
Жўр бўлурга гулгун ёниб айтур алёр.

Нақорат:

Янгра созим парвоз эт,
Кўнгулларни хамроз эт.
Кўнгулким қалби у
Куйла уни эъзоз эт.

Шарҳ: Янгра созим



Эй созим, бу кун шўх-шўх наволар таратгин. Сен таратган наволар фазилатидан кўнглим ичра ғунчалар чирой очсин. Ахир ўтли юраклар ўз аҳдига вафо этиб эзгулик ғалабасини байрам қилса, қайси покиза кўнгил кулмас, қайси қалбда байрам шабадаси эсмас?! Эй созим, баланд пардаларда янгра. Само узра парвоз айла. Сенинг оҳангларинг остида покланган дилларни ўзингга дўст тут, эъзозла. Эй созим, янграйвергин. Сенинг тароватингдан бу гўзал диёrim гулга тўлсин. Чехраларни ханда рақси абадий тарк этмасин. Дўсту биродарлар яхшиликнинг зафарини байрам қилсинлар. Дунё уларга жўр бўлсин. Эй созим, янгра, янграйвер!

ҒАМЗАСИН СЕВДИНГ...

Фузулий газали

Ғамзасин севдинг, кўнгил жонинг керакмазми санго?
Тифа урдинг жисми урёнинг, керакмазми санго?


Оташин оҳимла айларсан манго таклифи боғ,
Боғбон, гулбарги хандонинг керакмазми санго?

Эй камонабрў, рақиба верма ғамзандин насиб,
Үқ отарсан тоша, пайконинг керакмазми санго?

Ёндириб жоним, жаҳонсўз этма барқи оҳими,
Осмон, хуршиди рахшонинг керакмазми санго?


Туталимким, ашқ селобина йўқдур эътибор,

*Тожиiddin Mуродов
ижросида*



Эй Фузулий, чашми гирёning керакмазми санго?

Шарх: **Ғамзасин севдинг...**



Ёр ғамзасин севишига севдинг-у, Ёр висолига етмоқ машакқати нима эканини баласанми? Эй ошиқ, жонингда қасдинг бормики бу йўлни танладинг? Ахир бу йўл жондан кечганлар йўли. Сенга жонинг керакмасми? Ошиқлар қисматини танлаб, дарвешона танангни яланғоч тиф узра отдинг. Нима жисму жонингдан тўйғанмисан? Эй боғбон, шунча оташу оҳим билан боғингга таклиф этдинг. Наҳот сенга хандон отиб турган гулларинг керак бўлмаса? Мени ёндириб, оҳим чақинини жаҳонга ошкор этмагин. Эй осмон, чараклаб турган қуёшинг сенга керакмасми? Оҳким, кўз ёш селоби даҳри дун ичра эътибор топмади.

Эй Фузулий, Ёр кўйида бунча йиғлайсан, гирён кўзларинг сенга керакмасми?

ГУЛ УЗОРИМ



Навоий газалига Амирий мухаммаси

*Тожиддин Муродов
ижросида*

Дўстларим, бир нозанин ишқи бу ҳол этмиш мени,
Зулфи савдоси алиф қаддимни дол этмиш мени,
Лола гул рухсори ҳажр ашкимни ол этмиш мени,
Бир пари-пайкар ғами ошуфта ҳол этмиш мени,
Элга аҳволим демактин гунгу лол этмиш мени.

Ишқ еткурмиш менингдек телбани бу ергаким,
Тешилур кўксим маломат ўқидин не ергаким.
Йўқ мажолим, ўйла, ҳолимдин ўзингга дергаким,
Мен ҳавойини, не тонг, кўргузсалар бир-биргаким,
Эгма қоши фикри андоғким, ҳилол этмиш мени.

Гоҳ Мажнун элга, гоҳ мен соғ ила teng бўлмишам,
Ҳасратингдин лола янглиғ доғ ила teng бўлмишам—
Ким, хазон фаслидаги япроғ ила teng бўлмишам,
Ёр кўйи ичраким, тупроғ ила teng бўлмишам,
Ишқ ғавғоси бу янглиғ поймол этмиш мени.



*Толибжон Бадинов
ижросида*



ШАҲНОЗ

Машраб газали

Чун қўлум бирлан аёқим боғламоқ ҳожат эмас,
Ман ўлумга розидурман, тургали тоқат эмас.

Бунча шиддат бирла бошим кесгали зўр айлама,
Баски, одам қони тўкмак санга ҳам тоат эмас.

Умр чун барқи ҳаводис, ғофил одам билмади,
Ою кун оромига бир лаҳзас фурсат эмас.

Лашкари хунриз бўлса, сабру ором қайдা бор,
Мажнуни девоналардин шоҳфа роҳат эмас.

Чун муборак бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг санинг,
Хўб иш бўлди санга, жон берганинг офат эмас.

*Толибжон Бадинов
ижросида*



Шарҳ: **Ҳожат эмас**

Мен ўлимга розиман, ўлдираман деб менинг қўл-оёғимни боғлаш шарт эмас. Ўлимимни кутиб ётибман, ҳатто туришга ҳам тоқатим йўқ. Эй рақиб, бошимни кесишга бунча орзуманд бўлмасанг, бунчалар шиддат кўрсатмасанг. Ахир одам қонини тўкиш сен учун ибодат эмас-ку. Ғофиллар умрнинг бир зумлик чақин мисол қисқа эканини билмайдилар. Ой-кунлар роҳати бор-йўғи бир лаҳзаликдир. Ўтаётган ҳар бир дақиқа хун сўраган вақт лашкари бўлса, бу дунёда қандай ором бўлиши мумкин. Девоналар билан шоҳлар манфаати қай замонда туташган ўзи? Эй Машраби девона, танангдан оқаётган қип-қизил қонинг муборак бўлсин. Жуда ажойиб иш бўлди, сен учун жон бериш офат эмас-ку.



САЙҚАЛ

Алишер Навоий газали

Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,
Неча тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.

Ёр ишқин асрағил пинҳон, дебон саъй этмангиз,
Вах, не навъ этгум йўқ ишни ошкор, эй дўстлар.

Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди,
Менда ҳам бир нозанин чобуксувор, эй дўстлар.

Ёрсиз вайронда қон йиғлармен охир, сиз қилинг
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.


Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб топмадук
Аҳду паймонида бўлғон устувор, эй дўстлар.

Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукр айлангиз
Ким, Навоий ўлди бекасликда зор, эй дўстлар.

*Толибжон Бадинов
ижросида*



Шарҳ: **Ёрдин ҳижрон чекар...**



Ошику зорлар ёр ҳажрида алам тортади. Мен нега ғам чекайки, агар менда ёр бўлмаса. Ёр ишқини пинҳон асра деб менга насиҳат этаверманг. Ахир йўқ нарсанинг нимасини ҳам ошкор этар эдим. Эй дўстлар, менга кимсасиз деб таъна қилманглар. Менинг ҳам қачонлардир ихтиёrim ўғирлаган бир нозанин ёrim бор эди. Уни йўқотдим-у шундан бери вайронада ёрсиз қон йиғлашдан бошим чиқмайди. Энди ёр билан боғу лолазорда гашт суришни сизга бағишладим. Менинг аъмолим эса Ҳақ жамолин истаб риёзат чекишдир. Эл ичра аҳду паймонига собит бирор дўст топиш қийин.

Эй дўстлар, ёрингиз билан бирга экансиз, бу васл шукрини қилишдан чарчаманг. Зеро, ёлғизлик ичра зор- интизорлик Навоийга қисмат бўлди.

МЕХРУ ОҚИБАТ

Пўлат Мўмин шеъри

*Эркин Раҳимов
ижросида*

Ахли инсонга зарур
Дунёда меҳру оқибат,
Ростлигин исбот этур
Ижрода меҳру оқибат.

Бу сифат инсондаги
Олий ҳамият рамзидир,
Дўстлигин мангу этур
Ошнода меҳру оқибат.

Оқибат қилган киши
Иzzатда бўлгай ҳар қачон,
Кетмасин рахна тушиб
Аснода меҳру оқибат.




Ким агар Хотам мисол
Донг ёйса элга, соз эрур,
Дейдилар офтобча бор
Зуккода меҳру оқибат.

Ўз-ўзин мақташ билан
Оввора бўлса баъзилар,
Бормикан ундай тили –
Буррода меҳру оқибат?

Яхши дўстлар меҳрига
Мехрингни пайванд айлагин,
Бўлмагай, билсанг сира –
Тиллода меҳру оқибат.

Имтиҳон айлаб, Мўмин
Бергай сенга зимдан баҳо,
Одобу андишаси –
Аълода меҳру оқибат.



ОНАЖОН


Ҳайдар Яхёев шеъри

Онажон, номинг дилимда,
жисм аро танҳо ўша,
Шафқатинг битмас хазина,
менга минг тилло ўша,
Ҳар нафас меҳринг булоғи
тошса бир дарё ўша,
Кўз очиб кўрдим ўзингни,
менга бир дунё ўша,
Онажон, каъбам ўзинг,
сенсиз жаҳонни на қилай,
Танда меҳринг ёнмаса
бехуда жонни на қилай!

Тарк этиб орому сабринг,
менга баҳт бердинг мудом,
Ҳам жигарпорам дея,
чекдинг аламлар субҳу шом,
Тоза қалбинг бўлди қанча—
қанча қайғуларга жом,
Сендан ўргандим буюк
имло била ширин калом,
Онажон, каъбам ўзинг,
сенсиз жаҳонни на қилай,
Этмаса номингни ёд –
ўткир забонни на қилай!

Мехрибон, мушфиқ, мураббий,
бунча беозорсан,
Жонажон, мунис, азизим,
шодлигимга ёрсан,
Хаста бўлсам, жонга дармон,
хар сахар бедорсан,
Гар йироқ кетсам, туну кун
изларимга зорсан,
Онажон, Яхё деди:
сенсиз жаҳонни на қилай,
Бўлмасанг бошимда сен,

*Эркин Раҳимов
ижросида*



бу ошённи на қилай!

ҮРТАР

Машраб газали

*Муроджон Аҳмедов
иҷросида*

Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Кишига ишқ ўтидин заррае тушса бўлур гирён,
Бўлуб бесабру бетоқат, юрак-бағри ҳамон ўртар.

Нечук тоқат қилай, дўстлар, бу дард бирлан бўлуб ҳайрон,
Ғамим бошқа, алам бошқа, юракимни нихон ўртар.

Мани бехонумон тинмай куюб ҳар дам фироқингда,
“Нигоро!” деб отинг айтсам-ки, шавқингдин забон ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, Санинг васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгакларни чунон ўртар.

На қаттиғ кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,






Манинг охим ўтиға бул замину осмон ўрттар.

Юракда дарду ғам қат-қат, ки манда қолмади тоқат,
Агар бир заррасин бул вақт десам, ишқи баён ўрттар.


Бу дард бирла хароб ўлдим, келиб ҳолумни сўрмайсан,
Унум чиқса юракдин бул тану жон, устихон ўрттар.

Бу Машраб дардини, ё Рабки, ҳеч ким бошига солма,
Агар Маҳшарда оҳ урсам, Беҳишти жовидон ўрттар.



Шарҳ: Агар ошиқлиғим айтсам...

Агар Сенга бўлган ишқим ҳақида сўзласам, жон ҳам, жаҳон ҳам қуйиб ўртанади. Бу ишқ сири шунчалар буюкки, агар уни баён этадиган бўлсам, хонумоним куяди. Киши қалбига ишқ оловидан бир учқун етса, гирёнликка тушади. Сабр-тоқатидан ажралиб, юрак-бағри адo бўлади. Бу дард билан ҳайрону лолман, эй дўстлар, нима қилишимни ҳам билмайман. Гамим билан аламим икки лашкар бўлиб юрагимни забт этмоқда. Сенинг фироқингда куявериб хонумонимдан жудо бўлдим. Агар исмингни зикр этсам, унинг шавқидан тилим куяди. Сенинг таъриф-тавсифингни қайси тил билан айтсам экан? Тилим лол, кўзим олди қоронғу, сұякларимгача ишқ оловидан куймоқда. Қандай кулфатли кун эканки, Сенинг васлингдан жудо бўлдим. Ох-фигоним ўтидан еру осмон бирдек аланга олди. Юрагимда аламлар тоғи уйилган. Сенсиз яшашга ҳечам тоқатим қолмади. Агар аламимдан бир заррасини тилимга чиқарсам, ишқим баёни дунёни куйдиради. Дардинг билан ҳолим хароб, буни яхши биласану мендан хабар олмайсан. Юракдан бир сас чиқадиган бўлса ҳам тани жоним, устихонларим ўртанади.



Сарви қомат бўйларингга.
Гулдан лиbos ярашибидир
Соф –саломат бўйларингга.

Мен булбулга айлаб озор,
Ширин жоним олдинг нисор.
Зулайҳодан қолган зуннор
Бўлсин ҳожат бўйларингга.

Кўрсам ҳуснинг йўқ армоним,
Сенсиз хазон бўлсин жоним.
Иқболим, диним-имоним-
Қилсанм ҳурмат бўйларингта.

Кўрган ошиқ фидо бўлар,
Эл-юртидан жудо бўлар,
Махтумкули, гадо бўлар
Ул каромат бўйларингга.


Юрсанг, ёrim, қувонаман
Сарви қомат бўйларингга.
Гулдан лиbos ярашибидир

Ё Раббим, бу
девона Машраб дардини
ҳеч кимнинг бошига
солма. Агар
Маҳшаргоҳда бу
дарддан ўртаниб оҳ
урадиган бўлсам,
абадий Жаннатинг ҳам
куйиб қул бўлади.




БЎЙЛАРИНГГА

*Махтумқули шеъри
Муроджон Аҳмедов*

ижросида
Юрсанг, ёrim,
қувонаман



Соф –саломат бўйларингга.




30Е

Эркин Воҳидов шеъри

Кимда иқтидор йўқдир,
Илм ила хунар зое,
Иқтидор берурман деб
Чекма ранж, кетар зое.
Кимда асли толе йўқ,
Нақди ҳам кетар қўлдан,
Берганинг билан бўлмас
Олтину гуҳар зое.
Кимки беҳамиятдир,
Четдадир назардан ҳам,
Чунки беҳамиятга
Солганинг назар зое.
Кимки муз юрак бўлса
Ўйлама эритмакни,
Минг қуёш ёқиб қўйсанг
Қилмагай асар, зое.
Гар қуён юракли эр
Жазм этса баҳодирлик,
Унга аргумоқ эссиз,
Тилла нақш камар зое.
Бу “насиҳат”ин Эркин
Ёзди бир сабаб бирлан,
Кўнглида сезар аммо,
Шеъри бесамар, зое.

*Камолиддин Раҳимов
ижросида*



Шарҳ: **Кимда иқтидор йўқдир**

Кимга Оллоҳ берган илм-иқтидор бўлмаса, унинг илму ҳунар даъво қилиши беҳудадир. Бундайларни тарбиялаб йўлга соламан, дея беҳуда уринма. Толеида тўқислик ёзилмаган кимсанинг нақди ҳам қўлидан кетса ажабмас. Унга қанча бермагин, берганларинг олтину гавҳар эса-да зое кетиши мумкин. Ҳамиятсиз кишидан ҳамма қочади. Ҳатто унга назар солишдан ҳам эҳтиёт бўлишади. Чунки бундай кимсаларга назар солишингда ҳам яхшилик бўлмас. Баъзи юраги муз кимсалар қалбини эритаман дея уринишдан бирор натижа чиқмас. Чунки уларнинг муз қалбларини минг қуёшни келтириб қўйилганда ҳам эритиб бўлмайди. Қалбида мардлик фазилати муҳрланмаган одам ҳар қанча ўзини шерюрак қилиб кўрсатишга уринмасин қўрқоқ қуёнлигича қолаверади. Бундайларга на арғумоқ, на белларига тилла камар ярашади. Шоир Эркин, бу жайдари насиҳатини шунчаки қаламнинг иштиёқини қондириш учунгина ёзгани йўқ. Шеърининг дунёга келишига арзийдиган сабаблар бор. Фақат унинг айтган сўзларим беҳуда кетмасмикан, деган андишаси ҳам йўқ эмас.

ТИНЧЛИК, САЛОМАТЛИК КЕРАК

Чустий мухаммаси

Яхши ниятли киши оламда чин инсон демак,
Яхши ният бўлмаса, йўқ унда инсоний юрак.
Истагим изҳор этай, одил гувоҳим бўл фалак,
Эл учун, даврим учун, қалбимда кўп эзгу тилак,
Аввало тинчлик билан, дўстлик, саломатлик керак.

Хизмат айлаб элни шод этмоқ ҳамиша ниятим,
Таъзимиға янги ой мисли эгарман қоматим,
Фахр этардим элга ёқса арзимас бу санъатим,
Бир умрдирки дилимдан жой олибдир бу тилак,
Аввало тинчлик билан, дўстлик, саломатлик керак.

Лаҳза-лаҳза меҳрим ортар, меҳрибонимдир элим,
Ҳар бири жисмимда жон, рухи равонимдир элим,
Давлатим ҳам қудратим, ному нишонимдир элим,
Беҳисоб халқим учун қалбимда бу мангу тилак,
Аввало тинчлик билан, дўстлик, саломатлик керак.

Ҳар бирин қўрган сари кўнглим очилгай боғ-боғ,
Кўзлари тушса кўзимга, дил аро ёнгай чироғ,
Кўрмайин халқим дилида заррача армону доғ,
Фикру зикрим доимо Чустий билан ушбу тилак,
Аввало тинчлик билан, дўстлик, саломатлик керак.


*Камолиддин Раҳимов
ижросида*



Ижро завқи, 1961 й.



Камолиддин Раҳимов ва Чустий Мухаммаси



НИҲОН БЎЛДИ

Завқий газали

Оролмирзо Сафаров
ижросида

Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди,
Кимики сўзлади кўп, билки, расвойи жаҳон бўлди.

Назокат орттурай десанг, мисоли ғунча ғомуш бўл,
Надинким, оғзини то очди гул, барги хазон бўлди.

Чаманда аргувондек сурат оро бўлмафинг хўб йўқ,
Пишарда мевасиз шармандадур, сирри аён бўлди.


Дема машҳур бўлмоқ яхши, буғдой донаси пинҳон,
Дарахти қилди жавлон, сарғайиб охир самон бўлди.

Биродар, ол менинг пандимни, ўз қадингни синдирма,
Киши ўз иззатини билмади, охир ёмон бўлди.

Агар иззатталабсан камнамолиғ орзусин қилғил,
Қаю ажнос бисёр ўлса суди йўқ, зиён бўлди.

Садафлар кўп оғиз очмак билан кўкси бўлур холи,
Ки баъзиси лабин кам во қилиб дурри ягон бўлди.

Завқий хаста, оғзинг эмас, ибрат кўзинг очғил,
Ажабким қўл яқода юргудек турфа замон бўлди.



Ким билур, ким яхши, ким ёмон
Кой киши оламдан бермон ут

Шарҳ: Жаҳонда камсухан ким бўлди...

Эй азиз дўст, бу жаҳонда кимки кам сўзлади, ўз сирининг эгаси бўлди. Сергап, маҳмадона эса эл аро расволик топди. Салоҳият, обрў-эътибор ортириай десанг ғунчадан ибрат ол. Зеро, ғунча оғзини очган лаҳзада ўз умрига нуқта қўяди, хазонга айланади. Чамандаги арғувонни ҳолини кўрганмисан? Ҳамма дараҳтлар мева қилганда унинг қисмати шармандалик бўлди. Чунки у мева қилмай гулини тўкиб бўлган эди. Ўзни кўзкўз қилмоқ, машхур бўлмоққа сира ружу қўя кўрма. Ахир буғдой донаси кўздан пинҳон бўлса-да фойдалироқ, унинг пояси жавлон ургани билан бор-йўғи самонликка яради, холос. Эй, дўстим, насиҳатимдан хулоса чиқар, қадрингни кўп сўзлаш ила ерга урма. Иззатини билмаган кишининг ҳолига маймунлар йиглайди. Иззатталабликнинг давоси камнамолиқdir. Дунёда қайси жинс урчиб кетса, зиёндан бошқага ярамайди. Садаф ҳадеб оғзини очаверганидан кўкси бўм-бўш бўлиб қолди. Қайси садаф хомушликни касб этди, қалбида дурри яктони етиштириди. Эй Завқийи хаста, оғзингни эмас, ибрат кўзинг очгин. Қўлинг ёқангда турсинки, токи ёмонлар илки унга узанмасин.

ОТАСИДАН ДУО ОЛГАНЛАР

Оролмирзо Сафаров шеъри


*Оролмирзо Сафаров
ижросида*

Лафзи ҳалол ростгўй бўлурлар,
Эзгуликка ошно юурурлар,
Файзли давру даврон суурурлар,
Отасидан дуо олганлар,
Волидасин ризо қилганлар.

Ёмонлик этмаслар ихтиёр,
Етказмаслар дилларга озор,
Аҳдларида мудом устивор,
Отасидан дуо олганлар,
Волидасин ризо қилганлар.

Улуғларга ҳурматдадирлар,
Кичикларга иззатдадирлар,
Эл-юрт учун хизматдадирлар,
Отасидан дуо олганлар,
Волидасин ризо қилганлар.

Хиёнатдан ҳазар қилурлар,
Мискинларга назар қилурлар,
Ҳам ҳалқидан дуо олурлар,
Отасидан дуо олганлар,



Одом бу оламга йиглаб келади. Нариги дунёга ҳам уни йиглаб кузатадилор. Мана шу иккӣ йиги орасидаги хоёт эса ҳар бир сониенгичча имтиҳон. Музими — беш кунлик синовли дунёда куткуга бериллиб, инсонийлик жавҳорини йўқотмаслик!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ортист Оролмирзо Сафаров ўз сози, овози билан бизни шунга чорлаб яшайде:

«Ким кабр борига кўз билан борган,
Кўл-оёқ, тин билон, сўз билан борган,
Насоб этса, сурпу бўз билан борган.
Ким билур, ким яхши, ким ёмон ўтган,
Кей киши олмасан бесримон ўтган...»

Волидасин ризо қилганлар.

Мирзо олгил улардан ибрат,
Тингла, шеър ёз, қаламинг тебрат,
Бўлсин сенга мудом дўст, улфат
Отасидан дуо олганлар,
Волидасин ризо қилганлар.

Лафзи ҳалол ростгўй бўлурлар,
Эзгуликка ошно юурлар,
Файзли давру даврон сурурлар,
Отасидан дуо олганлар,
Волидасин ризо қилганлар.

БЎЛМУШ

Алишер Навоий газали

Бизнинг шайдо кўнгул бечора бўлмуш,
Маломат даштида овора бўлмуш.

Анга баским ёғар тош устина тош,
Танида ёра узра ёра бўлмуш.

Урарда дам-бадам хароға бошин,
Сўнгаклар анда пора-пора бўлмуш.


Бало тоғи аро ётқанда бемор,
Хирад синжоби хору-хора бўлмуш.

Қаро қилди нечукким рўзгорим,
Онинг ҳам рўзгори қора бўлмуш.

Қадоқ хуршиди қони ким ғамидин,
Сирешким кавкаби сайёра бўлмуш.

Навоий чорадин кўп дема сўзким,
Ғамингга чорасизлик чора бўлмуш.

*Абдуқаҳҳор Жалилов
ижросида*



Шарх: Бизнинг шайдо кўнгул...

Кўнглим шайдолик ичра бечоралик топди. Манзили маломат дашти, касби эса оворалик бўлди. Устига тош устига тош ёғади. Танида бутун жойи йўқ, яралари устига яна яра, бошини метин тошга ураверганидан сұяклари парчаланиб кетган. Бало тоғи орасида bemor ётганида кўйлаги ва пўстинидаги ҳар мўй тикану тошга айланган. Нечун ҳам Ёр кунларим бу қалар қора қилмишки, кўнглимнинг ҳам оқарган куни йўқ. Чикаётган қуёш қадаҳ бўлса, унинг қизили менинг қонимдир. Бу қадаҳ оғзини ёпадиган сирач вазифасини эса юлдуз ва сайёralаргина бажариши мумкин.

Эй Навоий, бу қайгу чораси ҳақида гапиришинг ортиқча. Илло, бунинг чораси чорасизликдир.

Луғат:

Ёра - яра

Синжоб - Силовсин, жуни ўсик қизил олмахон

Хоро - метин тош

Сиреш - елим, сирач.

Хаз - ипакли мато

Кавкаб - юлдуз

САМАРҚАНД УШШОГИ

Собир Абдулла газали

*Жўрабек Набиев
ижросида*

Кел, эй муҳаббат эли, васл ила вафо бунда,
“Нигоҳи гарму адоҳойи дилрабо” бунда.



Шаҳиди бўлмоқ учун “дашти карбало” демаким,
Ўликка жону сенинг дардингга даво бунда.

Навони гар тиласанг, боғда бенаво булбул,
Қилурға сайри чаман, келки хушҳаво бунда.

Варакла дунёда бор ҳар китобни эй, ошиқ,
Сенинг у излаганинг яъни муддао бунда.

Қидирса бахту вафо дунёда агар Собир,
Ҳаёту, бахту бақо, завқ ила сафо бунда.

